# АЙЁМЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 29-avgust, shanba • №35(3825)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (мазкур Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;

г) мазкур Қарорнинг 2, 4-7-бандлари муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита ва Комиссиялари мазкур амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И. СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 28 август.*

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

***Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.***

**Ислом КАРИМОВ.**




## ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАЙДИ

**Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамаддунидаги ўрни» мавзуида илмий конференция бошланди.**

Йигирмага яқин давлатдан етакчи мусиқашунос, санъатшунос, манбаашунос ва тарихчи олимлар иштирок этаётган ушбу анжуманда Президент Ислом Каримов



ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали турли мамлакатлар ижодкорлари, мусиқашунос олимлар ўртасида илмий-ижодий алоқаларни ривожлантириш учун қулай имконият яратаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Шарқ мусиқа маданиятини тадқиқ этишда янги услубий ёндашувлар, мусиқа манбаашунослигида эришилган ютуқлар, Шарқ маданияти ва глобаллашув жараёни, миллий мусиқа анъаналарини тарғиб этишда халқаро фестивалларнинг, хусусан, «Шарқ тароналари» фестивалининг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланади.

## БАЙРАМЛАР БАЙРАМГА УЛАНСИН!

*Аждодлардан мерос, эй азиз гулбоғ,*
*Киндик қоним томган, муқаддас тупроқ,*
*Асрагаймиз сени ҳар лаҳза, ҳар чоқ,*
*Оламда тенги йўқ жаннат маконим,*
*Эзгулик ўлкаси — Ўзбекистоним!*

Азиз ўзбек халқи учун қўша-қўша иморатлар бунёд этиш, қўшалоқ фарзандлар ўстириб, қўшалоқ тўйлар қилиш, қўшалоқ байрамларни нишонлаш азалий эзгу анъанага айланиб кетган. Не бахтки, бу йил ҳам Яратганнинг ўзи халқимизни қўшалоқ айёмларга етказди. Истиқлолимизнинг 18 йиллик улуғ айёми билан бирга мамлакатимиз пойтахти, юртимиз юраги бўлмиш азим Тошкентнинг 2200 йиллик шодиёнасини нишонлаш арафасида турибмиз.

Мустақиллик — энг олий неъмат. Биз бу мусаффо осмон, осойишта ва дориламон кунлар учун шукрона айтиб, юртимизнинг янада ободлигини таъминлаш йўлида яратувчанлик, бунёдкорлик шавқи билан яшашимиз, муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, "Мустақиллик менга нима берди деб эмас, мен Мустақилликка нима бердим", деб ўзимизга савол бериб туришимиз шарт.

Истиқлол деганда, шафақдан алвон нурларини таратиб, чиқиб келаётган қуёш кўз олдимга келади. Ёришиб келаётган уфққа тикилиб, бу ёруғ кунлар орзусида яшаган, юртимиз ҳурлиги учун курашиб жон фидо этган аждодларимизни ёд этаман.

*(Давоми 3-бетда).*

# МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Мустақилликнинг ўн саккиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида ички ишлар идораларининг қуйидаги ходимлари бор.***

**Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

**Пулатов Фахриддин Мухиддинович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси цикли бошлиғи.

**Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишдаги катта хизматлари ҳамда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Рахманов Зокиржон Сидиқович** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ашуров Кахор Ахрорович** – Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Кадиров Бахрам Вахабович** – Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Султонов Бахтиёр Гайбуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Косенков Игорь Александрович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Петровский Александр Олегович** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдурахимов Хаётжон Адхамович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бош мутахассиси

**Бабаходжаев Хайрулло Хасанович** – Андижон вилояти Андижон шаҳар Ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Варисов Абдураззоқ Исмаилович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

**Каттаев Шукрилла Ташович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Кузибаев Бахрам Баходирович** – Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Курбанов Улуғбек Садуллаевич** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командирининг ўринбосари – Штаб бошлиғи

**Махкамов Насир Расулович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Набиев Владимир Валерьевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бош мутахассиси

**Уринбоев Кудратжон Гайратжонович** – Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Хамроев Зоҳир Тошевич** – Навоий вилояти Нурота тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Хасанов Иброҳим Исломович** – Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Шукуров Қиём Қўлдошбоевич** – Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Эргашев Шухрат Марибжонович** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Хайдаров Хамид Саитович** – Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Эргашев Анвар Юлдашевич** – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бошлиғининг ўринбосари

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Ахмадали Умарович** – Фарғона вилояти Фурқат тумани "Томоша" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Акимниязов Азат Абдинайимович** – Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Борибаев Шарибай** – Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани "Бердақ" овул фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг посбони

**Кодиров Фозил Облоевич** – Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Кунишов Нарбек Музапарович** – Жиззах вилояти Жиззах шаҳар "Заргарлик" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Худайбердиев Абдугаффар Хошимович** – Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Шаймонов Отабек Туробович** – Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани "Қорасарой" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Юлдошев Турғунжон Тиловович** – Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Юсупов Алишер Алимбаевич** – Хоразм вилояти Урганч тумани "Юқорибоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Юсупов Баходир Батирович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тиббиёт бўлимининг бошлиғи

**Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фидокорона хизматлари юқори баҳоланган ҳамкасбларимизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан чин дилдан муборакбод этамиз!**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Бахтияр Таджибаевич МАШАРИПОВ.**



Бахтияр Таджибаевич Машарипов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ахборот марказида муҳандис-дастурчи лавозимида бошлаган. 1994-2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази инспектори, ЖҚБ катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, Нукус тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қонликўл тумани ИИБ, Амударё тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

**Жиззах вилояти Пахтакор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Камолиддин Бахриддинович УМАРОВ.**



Камолиддин Бахриддинович Умаров 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Жиззах вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили лавозимида бошлаган. 2001-2009 йилларда Жиззах вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Мирзачўл тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

**Транспортдаги ИИБ Самарқанд темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Аъзам Азимович ЛАТИПОВ.**



Аъзам Азимович Латипов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Транспортдаги ИИБ Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида бошлаган. 1999-2009 йилларда Транспортдаги ИИБ Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Олот темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи, Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

# БАЙРАМЛАР БАЙРАМГА УЛАНСИН!

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Улуғ ота-боболаримизнинг пок руҳлари гўё тонгги сабо бўлиб, саррин елга айланиб, юртимиз узра кезиб юргандек туюлади. Беихтиёр юрагим ҳаяжонга тўлиб: “Улуғ айёмларинг муборак бўлсин, юртим! Бу ёруғ кунларингга ҳеч қачон кўз тегмасин!” — деб ҳайқиргим келади.

Истиқлол қуёшида жилоланиб турган Эзгулик аркаси ёнидан ўтарканман, мамлакатимиз Бош майдонида бахт ва шодлик ларёсидек жўшиб оқаётган одамлар оқимига қараб қалбим тўлқинланади. Мен ўзбекман деган инсон борки, шу майдондан қалби чексиз қувонч ва ҳаяжонга тўлмасдан ўта олмайди...

Қадимдан гоҳ Чоч, гоҳ Мадинаташ Шош, гоҳ Бинкат, гоҳ Тошкент деб аталган, жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган ва ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси”, «Нон шаҳри» деб ном олган, «Ислом маданияти пойтахти» деган улуғ мақомга мушарраф бўлган халқимизни фахру ифтихори бўлмиш азим пойтахтимизнинг кундан-кунга чирой очиб, кўркамлашиб бораётгани эса тўйга муносиб тўёнадир. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик юксак мартабали меҳмонлар Ватанимизнинг Бош майдонидаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйиб, таъзим бажо айлашади.

Ушбу қўшалоқ айём кунларида жонажон Тошкент аҳли ва мамлакатимизнинг турли гўшаларидан келган юртдошларимиз озод Ватанимиз тимсоли бўлган бахтиёр Она ҳайкалини тавоф этадилар. Шу бахтиёр инсонлар орасида мен ҳам борлигимдан фахрланаман. Бизга шундай дориламон кунларни насиб этганига беадад шукроналар айтаман. Улуғ айёмлар арафасида давлатимиз раҳбарининг фармони билан Тошкент шаҳрининг “Мустақиллик” ордени билан мукофотланиши нур устига аъло нур бўлди. Бу хушхабардан бошим осмонга етиб, азиз шаҳримизга ўз дил қутловимни изҳор этгим келди:

*Гўзал Тошкент, қутлуғ бўлсин*
*“Мустақиллик” нишонинг,*
*Мустақиллик, Тинчлик,*
*Дўстлик ва аҳиллик нишонинг!*
*Қутлуғ бўлсин тўйларингга*
*Юртбошим тўёнаси —*
*Меҳрибонлик, донишмандлик ҳам*
*оқиллик нишонинг!*

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда: “Тошкент улкан мамлакатимизнинг водию воҳаларидан келган фарзандларга билим ва тарбия берган илм-фан масканы, устоз шаҳардир”.

Мен ҳам ана шу “водию воҳалардан келган фарзандлар”дан бириман. Буюк пирлар, азиз авлиёлар макони бўлмиш қадим Бухорои шарифдан келиб, бу муаззам шаҳарда таълим олдим. Унинг зилол сувини ичиб, табаррук нонини еб улғайдим. Ҳар иккала қутлуғ маскан меҳри қалбим тўридан жой олди. Қанчалик уринмасин, фарзанд ўз ота-онаси олдидаги қарзини то абад узолмаганидек, мен ҳам бу икки қутлуғ ва азиз макондан умрбод қарздорман.

Минг афсуски, Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини, демократик ўзгаришларни, ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашаётганини, қўлга киритаётган ютуқларимизни кўра олмайдиган кимсалар ҳали ҳам топилади дунёда.

Мустақиллик ва Эзгулик монументи пойига гул қўйиб, тавоф этгач, кўкка боқар эканман, мовий осмон узра эркин парвоз этаётган қалдирғочлару оппоқ кабутарларга кўзим тушди. Улар кўзимга элу юрт тинчлик-осойишталиги йўлида азиз жонини фидо этган ўғлонларнинг пок руҳларига ўхшаб кўринди. Ҳа, ўтганлар руҳи бизни ҳамиша огоҳликка, ҳушёрликка даъват этиб туради.

Биз, осойишталик посбонларининг асосий вазифамиз — озод Ватанимизнинг бахтли кунларига кўз олайтирмоқчи бўлганларнинг қора ниятларини фош этиб, қилмишларига чек қўйиб, Истиқлолимизнинг мангу барқарорлигини таъминлашдан иборат. Токи, азиз халқимизнинг бошига ҳеч қачон ғам булути соя солмасин. Элимизнинг байрамлари байрамларга уланаверсин!

**Зикрилло НЕЪМАТОВ,**
**полковник.**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун “Мустақиллик биз учун-ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир” номли қўлланма тайёрланди.**

# МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Мазкур рисолада мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт даврида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда қўлга киритган ютуқлари, давлат ва жамият қурилиши, улкан бунёдкорлик ишлари, уларнинг мазмун ва моҳияти хусусида сўз юритилади.

Истиқлолнинг 18 йиллиги арафасида чоп этилган мазкур қўлланма ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, ислоҳотлар жараёнида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онгу-шуурига етказишга хизмат қиладиган маънавият соҳаси ходимлари, олимлар ва мутахассислар, тарғиботчи ва ташвиқотчиларга мўлжалланган.

Қўлланмадан “Сиёсий-ижтимоий ўқиш” машғулотлари ва “Маърифат дарс”ларининг мавзуларини ёритишда фойдаланиш машғулотларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**подполковник.**

ТАДБИР

# БАЙРАМ РУҲИНИ БАХШ ЭТИБ

***Навоий вилояти ИИБда бўлиб ўтган Маърифат дарси ўзининг 2200 йиллигини нишонлаётган пойтахтимиз — Тошкентдан ташриф буюрган бир гуруҳ шоирлар ва таниқли санъаткорлар билан ижодий учрашувга айланиб кетди.***

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Фанлар Академияси вице-президенти, академик Саидаҳрор Ғуломов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Султонпошша Ўлаева, Қаҳрамон Абдураҳимов, иқтидорли актёрлар Ҳошим Арслонов, Асадилло Набиев, истеъдодли шоирлар Ислом Ҳамро, Ўктам Мирзаёр, Азиз Саид ва бошқалар иштирок этишиб, юртимизда истиқлол йилларида юз берган оламшумул ўзгаришлар, мамлакатимиз маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ютуқ ва юксалишлар ҳақида фахр-ифтихор билан гапирдилар.

Тадбир давомида самимий дил сўзлари, она диёримизни мадҳ этувчи, муҳаббат ва садоқатни улуғловчи ашъорлар янгради. Айниқса, хонанда Султонпошша Ўдаева ижросидаги тарона барчага манзур бўлди.

Йиғилганлар қалбига байрам шукуҳи ва кўтаринки кайфият бахш этган тадбир якунида вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Абдуллаев адабиёт ва санъат аҳлидан иборат тарғибот гуруҳи аъзоларига самимий миннатдорлик билдирди.

Шахсий таркиб билан бу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши, ходимларимизнинг маънавий дунёқарашини бойитиш билан бирга, уларга Истиқлол бахш этган бу дориламон кунларни қадрига етиш, асраб-авайлаш сари янада руҳлантиришини қайд этди.

**Нигора РАҲИМОВА.**
*Навоий вилояти.*

ҒАМХЎРЛИК

**Биз барчамиз эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўз ҳаётини бағишлаган милиция ходимларининг хотираси ва руҳи олдида умрбод қарздормиз, уларнинг оиласи, фарзандлари доимо халқимиз эътиборида бўлади, — деган эдилар муҳтарам Юртбошимиз.**

Шу боисдан, улуғ айёмлар арафасида, элу юрт тинчлиги йўлида жонини фидо қилган ходимларимиз оила аъзоларидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш эзгу анъанага айланган.

# КЕЛАЖАККА ЭҲТИРОМ

Тошкент вилояти ИИБ томонидан ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ҳамда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига меҳр ва мурувват кўрсатилиб, уларга моддий ёрдам бериб келинмоқда.

Яқинда бошқарма раҳбарияти, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамда «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги хайрия тадбири давомида ҳам хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг 48 нафар фарзандига ўқув-қуроллари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан ота-оналар кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга ўз миннатдорликларини билдиришди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**лейтенант.**
*Тошкент вилояти.*

АНЖУМАН

# ЖУРНАЛИСТ ЖАСОРАТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК!

***Ушбу даъват куни кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманининг мазмун-моҳиятини ташкил этди. «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш давр талаби: журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикаси» мавзусига бағишланган мазкур анжуманда мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ҳамда журналистлари иштирок этишди.***

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов конференцияни очар экан, жамиятимизда кечаётган демократик жараёнларда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига тўхталди. Хусусан, бир қатор газеталар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини, янгиланишларни ёритишдек долзарб мавзуларга етарлича эътибор бермаётганини танқид қилди. Телерадиожурналистикамизда ҳам кўпчилик эътиборини ўзига жалб эта оладиган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий мавзудаги кўрсатувлар ва эшиттиришлар камлигини, борлари ҳам кўтариб чиқилаётган мавзуни чуқур ёрита олмаётганлигини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари У. Жўраев, тарих фанлари доктори, профессор Н. Абдуазизова, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори Қ. Эрназаров, таниқли журналистлар С. Ҳакимов, З. Рихсиев, А. Жўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш, журналист маҳорати ва масъулияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Газета ва журналлар, ахборот агентликлари бежиз оммавий ахборот воситалари деб аталмайди. Чунки омма ана шу воситалар орқали юртимиз ва хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида холис ва тезкор ахборот олиши керак. Шунингдек, ҳаётда учрайдиган камчиликлар, тараққиётимизга ғов бўлаётган нуқсонларни дадиллик билан ҳаққоний танқид қилиш ва профессионал даражада таҳлил этиш ҳам оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифасидир. Тўғри, ҳамиша ҳам ҳаққоний ва холис бўлиш осон эмас. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, журналистларнинг жасорати ҳам, граждалик позицияси ҳам ана шунда намоён бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

УМРИНГИЗГА БАРАКА

# ЭЗГУ ҚАЛБ ЭГАСИ

**Шу кунларда ўзининг саксон ёшини нишонлаётган истеъфодаги полковник Комил Тошматов умрнинг ҳар лаҳзасини бебаҳо билиб, ўтган вақтининг ҳар дақиқаси беиз кетмаганидан мамнун бўлиб яшаётган табаррук отахонлардан бири. Унинг ўсмирлик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Турмушнинг оғир кунларида яшаш уни ҳаётда тоблади, аниқ мақсад сари одимлашга ундади. Болаликдан изқувар бўлишни орзу қилгани боис 1948 йилда Тошкент милиция ўрта-махсус мактабига ўқишга кириб, 1950 йилда тамомлади ва пойтахтимизнинг ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги милиция бўлинмасида участка инспектори лавозимида хизматни бошлади. Гарчи хизматидан раҳбарлари мамнун бўлса-да, изқувар бўлиш мақсади унга тинчлик бермасди.**

Хизматдаги эпчиллиги, вазифа ва топшириқларни ўз вақтида яхши бажаришини кўрган бўлинма бошлиғи уни тезкор вакил вазифасига ўтказди. У тез орада хизматга кўникиб, кўпчилик тилига туша бошлади. Ушбу фазилати унинг хизмат пиллапоясидан илгари одимлашига омил бўлди. К. Тошматовни Тошкент шаҳар ИИБ жиноят қидирув хизматига ишга таклиф қилишади.

– Аввалига иккиландим, аммо қийинчиликларни енга олишимга кўзим етиб, рози бўлдим, – дея ёшлик дамларини хотирлайди Комил ота. – Устозларим – марҳум полковниклар Василий Тоиров, Вазген Аванесовлар бу хизматнинг пасту баландини ўргатишди.

Устозлар ўгитига таянган кам бўлмайди. Хизматнинг моҳир, тажрибали ходимларидан ўрганиб, изланиб, олға интилган Комил Тошматов 1972-1978 йилларда Ҳамза тумани ИИБ, 1978-1980 йилларда ҳозирги Мирзо Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида ишлаб, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганини «иссиқ изида» очилишида баҳоли қудрат ҳисса қўшди. У раҳбарлик қилган йиллари бу туманларда жиноятчилик сезиларли даражада камайди.

Раҳбарият унинг ташкилотчилик ишларини юқори баҳолаб, Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинлайди. Бу К. Тошматовдан катта масъулият талаб қиларди. Чунки Марказий Осиёда энг йирик шаҳарда жиноятчиликка қарши кураш осон эмасди. Комил ака Тошматов бу ишончни ҳам оқлади ва шу лавозимдан пенсияга чиқди.

– Тошкент кўчаларида юрганимда ички ишлар идораларига қарашли хилма-хил замонавий хизмат автомашиналарини кўриб ҳавас қиламан, – дейди Комил ота Тошматов. – Мен дастлаб иш бошлаган эллигинчи йилларда бирортаям машина бўлган эмас. Ҳозирги шарт-шароитлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидан, албатта. Унинг қадрига етишимиз керак. Қани энди ёшлигим қайтиб келса, ҳеч иккиланмай яна ички ишлар хизматига кирардим.

Саксон ёшни қоралаган, қалбида ёшлик ўти сўнмаган отахон бутун умрини эл-юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш учун сарф этди. Қалб ёниб турса инсон олға қадам ташлайверади. Шунинг учун ҳам Комил ота уйда бекор ўтиролмай, маҳалла-кўй юмушларига аралашиб, жамиятга фойдаси текканидан мамнун бўлади. Эзгу қалб соҳиби бўлган бу бағри кенг инсонга яна кўп йиллар фарзандлари, шогирдлари ва сафдошлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

**Садриддин АБДУЛЛАЕВ.**

ФАХРИЙЛАР–ФАХРИМИЗ

# БЕКОРЧИЛИК УНГА БЕГОНА

Ҳарамжўйлик уста Хонкелди ота ўз ҳунари билан элдошлари ҳурматини қозонган ажойиб инсон эди. Яқин-узоқ қишлоқлардаги одамларга беминнат хизмат кўрсатиб, сартарошлик қилган. Шу касби ортидан иззат топганди.

Истеъфодаги полковник Сиддиқ Хонкелдиев устанинг кенжа фарзанди бўлиб, у ҳам акаларидан ўрнак олиб, ота касбини ўрганган.

Йигитлик бурчини адо этиб қайтган ёш Сиддиқ отасининг касбини эъзозлаб иш бошлади. Мижозлардан бири йигитчанинг ҳаракатларини кўриб, ички ишлар хизматига таклиф қилди. Шу тариқа 1976 йилда С. Хонкелдиев Қарши шаҳар ИИБда хизмат фаолиятини бошлади.

Қарши Давлат университетини сиртдан битиргач, жазони ижро этиш муассасасида отряд бошлиғи лавозимида хизматни давом эттирди. Вақтинча сақлаб туриш ҳибсхонаси, махсус комендатурада ишлаган кезлари касбига фидойи ходим сифатида ўзини кўрсатди.

– Истеъфодаги полковник марҳум Турсун Акбаров номини доимо ҳурмат билан тилга оламан. Айнан шу инсоннинг таклифи билан собиқ Иттифоқ ИИВ ҳузуридаги раҳбар ходимлар тайёрлаш Академиясида ўқидим. Икки йил давомида мутахассисликнинг сир-синоатларини ўрганиб қайтдим, – дейди Сиддиқ ака.

Касбнинг серқирра жиҳатларини мукаммал ўрганган Сиддиқ ака яна хизматга киришди. Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида хизмат қилаётган вақтида уни Чироқчи туман ИИБ бошлиғи ўринбосари этиб тайинлашди. Орадан бироз вақт ўтгач, у ушбу туман ИИБ бошлиқлигига ўтказилди.

Вилоятнинг энг катта ҳудудларидан саналган Чироқчи туманида етти йил ишлаган Сиддиқ Хонкелдиев ўз хизмати билан халқнинг ҳурматини қозонди, раҳбарият нинг ишончини оқлади.

Бугунги кунда унинг шогирдлари жуда кўп. Подполковниклар Эркин Жўраев, Пирмат Қосимов, Эшдавлат Турсуновнинг фаолиятидан у киши қувониб юрадилар.

Сиддиқ ака учун бекорчилик ёт хислат. Ўғил-қизларига бош бўлиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаяпти. Ҳа, Сиддиқ акадек инсонлар барчамиз учун фахр, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли бизга ибрат.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**
*Қашқадарё вилояти.*



**Суратда:** ***истеъфодаги полковник С. Хонкелдиев оила аъзолари даврасида.***
**О. ПРИМОВ олган сурат.**

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

# САФДОРГА ИШОНИШАДИ

**Тўрткўл тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари ўз хизмат фаолиятларига фидойилик билан ёндашиб, эл ишончига сазовор бўлишмоқда. Буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қўриқлашга олинган объектлар ва хонадонлар сони сезиларли даражада ошаётганидан ҳам билиш мумкин. Шу кунгача майда ташмачиликка қарши муросасиз курашиш натижасида 175277 сўмлик товар- моддий бойликлар сақлаб қолиниб, ундирилган жарима миқдори 932116 сўмни ташкил этди. Қўриқланаётган объектларда ўғирлик каби жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади.**



– Соҳа ходимларининг хизматидан жуда мамнунмиз. Хонадонимиз бу тизимнинг марказий пультига улангач, тижоратдаги ишларимиз ҳам анча юришиб кетди. Чунки энди сафарга кетганимизда хавотирга ҳожат йўқ, – дейди Тўрткўл шаҳрида яшовчи Малика Раззақова.

Албатта, бундай юксак ишончга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, энг асосийси, фидойилик керак бўлади. Ана шу хислатларни ўзида мужассам этган жамоа етакчилари хизмат сифатини янада яхшилаш, шахсий таркибнинг касб маҳорати ва жанговар тайёргарлигини ошириш, объектларда содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ИИБ тегишли соҳа ходимлари билан биргаликда кўплаб амалий ўқув машғулотлари ўтказишди. Шахсий таркибни ҳар томонлама етук қилиб тайёрлаш борасидаги бу каби кўплаб тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Улардаги ўз касбига бўлган садоқат, масъулият ва сергаклик натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 65 та майда ташмачилик ҳолати аниқланиб, тўлдирилган ҳужжатлар чора кўриш учун тегишли жойларга юборилди.

Жамоанинг бу ютуқларида сафдор Умидбек Сержановнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тумандаги Агробизнес касб-ҳунар коллежини тугатиб, ҳеч иккиланмай қўриқлаш хизматида ишлашга журъат этган Умидбекнинг хизмат фаолиятига ҳам бирпасда етти йил бўлиб қолди. Устози, бўлинма сардори, катта сержант Шуҳрат Хўжаевнинг ўгит-насиҳатлари ва бой тажрибаси хизмат давомида қўл келди ва улардан унумли фойдаланди. Айниқса, унинг кузатувчанлиги, сезгирлиги мақтовга сазовордир.

...Тумандаги педагогика касб-ҳунар коллежи ёнидан ўтиб бораётган сафдор Умидбек Сержанов сал нарироқда гоҳ юриб, гоҳ тўхтаб, атрофга олазарак қараётган, чамаси қирқ ёшлардаги ўрта бўйли одамдан шубҳаланиб, шу томонга юрди. Унинг ички туйғуси алдамаган экан, айби борнинг тиззаси қалтирайди деганларидек, ҳалиги киши қочишга уринди. Бироқ жисмоний жиҳатдан етук ходим бунга изн бермади. Маълум бўлишича, шу атрофда яшовчи Маҳмуд исмли бу шахс дам олиш кунидан фойдаланиб, куппа-кундузи коллеж ошхонасидан иситиш қувурини кесиб, ўғирлаб чиққан экан. Бугунги кунда устоз даражасига етиб қолган сафдор Умидбек Сержановга сафдошлари ишонишади.

Қўриқлашга олинган объектларнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлигини яхшилаш, уларнинг нормал иш шароитини таъминлаш мақсадида объект раҳбарлари билан ҳамкорликда махсус текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар юборилмоқда. Қўрилаётган бу каби тадбирлар соҳа самарадорлигини ошишига ижобий таъсир қилмоқда. Юксак одоб-ахлоқи ва намунали хизмати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган сафдор Умидбек Сержанов бу жараёнларда ҳам ўзига хос жонбозлик кўрсатмоқда.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

**Суратда:** ***сафдор Умидбек Сержанов хизмат пайтида.***
**Муаллиф олган сурат.**

ИБРАТ

# ЭЛ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН

***Барқарор турмуш тарзини таъминлаш, осойишталик, тинчликни сақлаш ички ишлар ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда бу борада ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Шаҳрихон тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, майор Муҳаммаджон Ҳакимов ана шундай инсонлардан биридир. Бугунги кунда у «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Кўргонча қишлогида жойлашган 274-милиция таянч пунктида фаолият кўрсатмоқда.***

– Профилактика инспектори маҳалла аҳлининг ишонган ва суянган одамларидан биридир, – дейди Муҳаммаджон. – Шу боис ҳар бир фуқаронинг дардига қулоқ тутиши, яхши кунида ёнида туриб, бошига ташвиш тушганда ҳамдард бўлиши лозим.

Мана, етти йилдирки, майор Муҳаммаджон Ҳакимов Қўрғонча қишлоғида яшаётган аҳоли билан ҳамнафас, ҳамфикр. 7800 нафардан ортиқ киши истиқомат қилаётган мазкур гўшада тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун баҳоли қудрат хизмат қилмоқда. Профилактик ишларни яхши йўлга қўйгани, фаоллар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик натижасида жиноятлар кескин камаймоқда. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, айрим нопок шахсларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари ҳам кузатилаяпти. Профилактика инспекторининг ҳушёрлиги ҳамда бой иш тажрибаси туфайли уларнинг олди олинмоқда.

Дўстлик маҳалласида жойлашган хусусий дўконда ҳам ўғирлик қайд этилди. Ичкарига эшикни бузиб кирган кимса у ердан умумий қиймати 1 млн 320 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотларини ўмарган эди. Туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ ходимлари билан елкама-елка турган профилактика инспектори Муҳаммаджон Ҳакимов жиноятчилар четдан келганини тахмин қилди. Чунки бундан аввалроқ туман ҳудудида шунга ўхшаш икки-учта жиноят содир этилиб, очилмай келаётган эди. Профилактика инспектори изқуварлар билан бирга ўз ҳудудида яшовчи 26 ёшли С. Маъруфнинг олдига борди. Сабаби, у кейинги пайтда шахсий автомашинасида икки-учта бегона кишини олиб юрганди. М. Ҳакимовнинг бу тахмини жиноятнинг очилишида муҳим омил бўлди.

– Профилактика инспектори Муҳаммаджон Ҳакимов шахсий таркибнинг фахри, – дейди Шаҳрихон тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Акмалжон Қодиров. – Бу каби ходимларимиз туфайли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар камайиб бормоқда. Муҳими, уларнинг хизмат фаолиятини фуқаролар юқори баҳолашмоқда. Шунинг ўзи ички ишлар ходимига бўлган юксак ишонч белгисидир.

Дарҳақиқат, майор М. Ҳакимов эринмасдан ҳар бир хонадон, мактаб ва маҳаллага бориб одамлар билан суҳбатлашади, қўлидан келганча уларга ёрдам беради. Хонадонларда ўтаётган тўй-маъракаларга ҳамиша бош-қош. Шу туфайли эл орасида ҳурмат-эътибор қозонаяпти.

**Зафарбек АСҚАРОВ,**
**капитан.**
**Азизхон БУЗРУКОВ,**
**журналист.**
*Андижон вилояти.*

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

# ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

***Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги амалий ҳаётда ўз исботини топди. Бу – ўзбек халқининг энг катта ютуги, мустақилликнинг буюк неъмати, аждодларимизнинг асрий орзусини ифодаловчи сиёсий-ҳуқуқий қадриятдир. Эндиликда аҳолининг кенг қатлами ташаббускорлигини намоён этган ҳолда мамлакатни янада ривожлантириш, халқ фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти.***

Бу борада республикамиз ҳукумати томонидан кўплаб чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари, маҳалла посбонлари фаолиятини ташкил этиш хусусидаги қарорида хавфсизлик, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Айтиш жоизки, дунё миқёсида йилдан-йилга янги кўринишдаги жиноятлар, хусусан, уюшган жиноятчилик, коррупция, рэкет, террорчилик, кўпорувчилик, наркобизнес, диний экстремизм, товламачилик ва бошқа турларининг юзага келиши ички ишлар идоралари олдига бундай салбий ҳолатларга қарши кескин курашиш вазифасини қўйди. Бу эса ўз навбатида мазкур тизимни қайта ўрганиб чиқишни талаб қиларди.

Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига кўра, ички ишлар идораларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги роли ва мавқеини янада юксалтириш, аҳоли, жамоатчилик, айниқса, маҳаллалар билан алоқани мустаҳкамлаш борасидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ислоҳотгача ППХ саф бўлинмалари 73 та шаҳар ва туман ИИБлари таркибида бўлган бўлса, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан уларнинг фаолияти кескин марказлаштирилиб, 21 та йирик шаҳарда хизмат ўташлари белгиланди. Бунинг натижасида аҳоли гавжум бўлган ушбу жойларда патруль-пост нарядларининг зичлиги кўпайиб, хизматга чиқаётган патруллик нарядларининг сони ошди.

Шу билан бирга, ППХ саф бўлинмалари барча қулайликларга эга бўлган маъмурий биноларга кўчиб ўтди. Замонавий транспорт ва бошқа техник воситалар билан тўлиқ таъминланди.

ППХ саф бўлинмаларининг иш фаолияти ички ишлар идораларининг профилактика инспекторлари, ЙПХ, ЁХБ ва бошқа соҳавий хизматлар ходимлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳалла посбонлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ташкиллаштирилди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида жамоат жойларида, шу жумладан, кўчаларда содир этилаётган жиноятлар сони йилдан-йилга камайишига, патруль-пост нарядлари иштирокида очилган жиноятларнинг сони эса ошишига эришилди.

Яна бир муҳим томони, кинология хизматларидаги «Хизмат итлари питомник»ларида кинолог ходимлар ва хизмат итлари учун жаҳон андозаларига жавоб берадиган барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Республика ҳудудидаги 30 та шаҳар, 166 та туман, 11 та тармоқ ИИБлари ҳамда 68 та ЙПХ масканларининг барчасида «кичик питомник»лар барпо этилди.

Республика ички ишлар идоралари кинология хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу хизматларга бир пайтнинг ўзида 3 бош хизмат итларини олиб юришга мўлжалланган махсус жиҳозланган «Дамас-Ван» русумли автомашиналар, «Pentium – IV» русумли компьютерлар тўпламлари, видео учликлар, телевизор ва видеомагнитофонлар хизматда фойдаланиш учун ажратилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар, кинолог ходимлар ва хизмат итларини ўқитиш ишлари самарали ташкил этилаётганлиги натижасида кинолог ходимлар томонидан хизмат итлари ёрдамида кўплаб жиноятлар фош этилмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани Ҳовузкок маҳалласида яшовчи Ш. Ҳамдамов бошқарувидаги «Тико» русумли транспорт воситаси тўхтатилади. Унинг юкхонаси вилоят ИИБ инспектор-кинологи, сержант А. Худойдотов томонидан ўзига бириктирилган «Кукла» лақабли хизмат ити ёрдамида текшириб кўрилганда 19,5 кг. опий гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган.

Айни кунларда Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи кенг миқёсда нишонланмоқда. Шу муносабат билан жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишлар мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида маҳаллий аҳоли ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда қизғин давом эттирилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 25 июлидан ўтказиб келинаётган «Тозалаш – Антитеррор» тезкор-профилактик тадбирида ҳар куни ички ишлар идоралари ходимлари билан бирга 20828 нафар жамоатчилик вакиллари иштирок этаяпти. Тадбир давомида жами 4 млн. 373 мингдан зиёд (шундан 4119921 таси хонадонлар, 63407 таси корхона ва ташкилотлар, 82541 таси жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар яширинча яшаши мумкин бўлган жойлар) объектлар ўрганиб чиқилди.

Паспорт-виза қоидаларига амал қилинишини таъминлаш бўйича ўтказилган текширувларда 127475 та маъмурий қоидабузарликлар аниқланиб, баённомалар тузилди. Бу ҳуқуқбузарлардан 90574 нафари ноқонуний, яъни рўйхатдан ўтмасдан яшаётган фуқароларни ташкил қилади.

Рўйхатдан ўтмасдан ва вақтинчалик рўйхатдан ўтиб яшаётган фуқаролар билан ўтказилган тезкор-профилактик ишлар натижасида 4951 нафар жиноят содир этишга мойил шахслар, 603 нафар жиноят содир этган шахслар аниқланди. Жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга ижобий профилактик таъсир ўтказиш мақсадида улар билан тарбиявий суҳбатлар олиб борилиши йўлга қўйилди.

Тадбир кунлари жамоат тартибини бузганлиги ёки шубҳа уйғотганлиги учун жойлардаги ИИБларга олиб келинган шахслар билан ўтказилган суҳбатлар давомида ўзларига тегишли хулоса чиқармаган, мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этиб келаётган 6300 нафардан зиёд фуқаро жиноят содир этишга мойил шахс сифатида профилактик ҳисобга олинди. 986 та жиноят фош этилди, 299 нафар қидирувда бўлган шахслар ушланди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган 306074 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилди, республикада бўлиш қоидаларини бузган 855 нафар чет эл, МДҲ фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республика ҳудудидан чиқариб юборилди.

Ўтказилган тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар давомида жами 489 нафар қидирувда бўлган, 26 нафар диний экстремистик оқимга мансуб шахслар аниқланиб, қўлга олинди. 79 нафар бедарак йўқолганлар топилди. 5 та уюшган жиноий гуруҳ ва 70 нафар одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар аниқланиб, уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мустақиллик йилларида ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш рўй берди. Бинобарин, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасида қўлга киритган ютуқларимизда албатта, ҳар бир фуқаронинг ўз улуши, ватанпарварлик руҳияти сезилиб турибди. Ички ишлар ходимлари доимо халқ билан бирга, ҳамнафас бўлиб хизмат қилаверадилар.

**У. НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник.**

«ТОЗАЛАШ – АНТИТЕРРОР»

# ТАДБИР ДАВОМИДАГИ ФАОЛЛИК

**Саноқли кунлардан кейин мустақиллигимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланади.**

Вилоятда ушбу тантаналарни тинч ва осойишта ўтказиш, олиб борилаётган тезкор ҳамда профилактик ишларни янада кучайтириш, муқаддам судланганлар, гиёҳвандлар, ичкиликбозлар ва бошқа шахслар устидан назорат-профилактик огоҳлантирув ишларини кучайтириш мақсадида кенг қамровли «Тозалаш – Антитеррор» тадбири ўтказиляпти. Ушбу тадбирга ички ишлар идоралари ходимлари билан бирга 1200 нафардан ортиқ маҳалла посбонлари ҳам жалб қилинган.

Тадбир давомида ички ишлар идораларига жами 1135 нафар шахслар келтирилиб, улардан 1007 нафари билан тезкор-профилактик суҳбатлар ўтказилди. 65 нафари реабилитация марказига жойлаштирилди.

Тадбир самарали ўтишини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ томонидан 14 та гуруҳ ташкил этилиб, ҳар бирига алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

Вилоятнинг Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадошлигини инобатга олган ҳолда чегара ҳудудларига алоҳида эътибор қаратилиб, қўшимча куч, воситалар ажратилди. Паспорт-виза қоидаларига амал қилиниши бўйича ўтказилган текширувлар давомида жами 726 та қоидабузарлик аниқланди.

Шунингдек, 14298 нафар профилактик ҳисобда турган шахслар билан тезкор-профилактик ишлар олиб борилиб, 308 нафар муқаддам судланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди. Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида ички ишлар ходимлари томонидан қидирувда бўлган 18 нафар шахс аниқланиб ушланди. Булардан ташқари, 9 та ноқонуний ўқ отар қуроли ҳамда 6 та наркотик моддаларни сақлаш билан боғлиқ ҳолатлар фош этилди.

Маҳалла, ташкилот, таълим муассасаларида 517 та учрашувлар ўтказилди. Амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмаган 65 нафар МДҲ фуқаролари республика ҳудудидан чиқариб юборилди, паспорт тизимини бузган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, жарима ундирилди. Ташкилот, корхоналар ва ҳудудий ҳокимликларга тақдимномалар киритилди.

Вилоят ҳудудида ўтказилаётган кенг қамровли «Тозалаш – Антитеррор» тадбирида фаол иштирок этаётган ички ишлар идоралари ходимлари раҳбарият томонидан муносиб тақдирланмоқда.

**Тўлқин МЎМИНОВ,**
**полковник.**
*Сирдарё вилояти.*

# АҲОЛИ ОГОҲЛИККА ЧАҚИРИЛМОҚДА

**Хоразм вилоятида энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Албатта, бундай тантаналарни тинч ва осойишта ўтказиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар ходимлари зиммасидаги муҳим вазифалардан бири саналади. Буни яхши англаган соҳа ходимлари эл-юрт осойишталигини таъминлаш учун қатор тезкор тадбирларни амалга оширишмоқда. Айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхона ва ташкилотларда, тиббиёт масканларида огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилятпи.**

Маълумки, бозорлар юрт кўрки саналади. Шу боис аҳоли энг гавжум бўлган бу жойлар ҳамда шу ҳудуддаги автотураргоҳларда хавфсизлик қонун-қоидаларига қатъий риоя этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилаётган «Тозалаш-Антитеррор» тадбири давомида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам текшириб чиқилди. Ҳукумат қарорларида кўрсатилган талабларга қатъий риоя этиш, энг муҳими, ҳушёрликни таъминлаш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Вилоят ИИБ ходимлари тадбир жараёнида бир қатор жиноятларни фош этишга муваффақ бўлишди. Жумладан, шу йилнинг 5 август куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ ҳамда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ходимларининг ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирлари натижасида Урганч шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган Х.Ибодулла ўз томорқасида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган 9 туп каннабис ўсимлиги етиштираётгани аниқланди. Бу шахс ўз ҳовлисида 17 кило 087 грамм қуритилган каннабис ўсимлигини сотиш мақсадини кўзлаб сақлаб қўйганлиги маълум бўлди.

Боғот туманининг Ўғизравот қишлоғида яшовчи М. Мавлон маҳалладоши О. Бозорга 0,17 грамм героинни сотаётганида қўлга олинди. Унинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда 6,12 грамм героин борлиги аниқланди. Мавлон тумандаги Қораёнтоқ қишлоғида яшовчи, муқаддам судланган Х. Собирдан 10 грамм героинни 400 минг сўмга сотиб олганлигини тан олди. Тезкор гуруҳ ходимлари Х. Собирнинг уйидан 37,68 грамм героин олишди.

Ҳазорасп тумани ИИБ ходимлари ҳам тадбирда фаол иштирок этиб, гиёҳвандлик билан боғлиқ кўплаб жиноятларни фош этишмоқда. Шу йил 3 август куни Ҳазорасплик Э. Дўсчон Овшар қишлоғида яшовчи Э. Искандарга 0,09 грамм героинни 18 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди. Шуниси ажабланарлики, гиёҳвандларнинг занжири бу билан узилиб қолмади. Суриштирувлар натижасида у бу оғуни Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида яшовчи А. Шавкатдан олганлиги маълум бўлди. А.Шавкатнинг уйи холислар иштирокида текширилганда ётоқхонасидаги шкаф ичида 64,48 грамм героин яшириб қўйилгани маълум бўлди. Шавкатнинг ҳамтовоғи, беруниййлик Р. Азамат ҳам изқуварларнинг назаридан четда қолмади. Унинг хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда ошхонасидан 88,15 грамм героин олинди. Бу жиноий гуруҳ аъзолари билан яқин алоқада бўлган урганчлик М. Меҳрибон ҳамда унинг келини М. Омонжонлар ҳам далилий ашёлар билан жиноят устида қўлга олиндилар.

Юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган бундай тадбирлар давом этмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

## ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

# ЭЛ ОРАСИДА

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан қишлоқлар ободлиги, фаровонлигини оширишга катта эътибор бериляпти. Жумладан, бизнинг «Лалмикор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида кейинги йилларда янги-янги бинолар, савдо расталари, маиший, маданий хизмат кўрсатиш шохобчалари очилмоқда. Шу йилнинг ўзида «Зарбдор» деҳқон бозори тўла таъмирланиб, янги расталар қурилиб, сотувчи ва харидорлар учун зарур қулайликлар яратилди. Кўчаларимиз асфальтланмоқда, автобус бекатлари замонавий тарзда қайта қурилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган тўртта маҳалла гузари гўзаллашиб бормоқда.

Халқимизда тинч-тотувлик ҳукмрон хонадонга барака ёғилаверади, деган гап бор. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча эзгу ишлар, аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлиб турганидандир.

Шу ўринда жойларда осойишталикни сақлаш учун туну кун хизмат қилаётган ички ишлар ходимлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Тартиб, қоидага амал қилинмаган жойда ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликка йўл очилади, оқибатда жиноят содир этилади. Бунга кўп йиллик фаолиятимиз давомида дуч келганмиз. Шунинг учун ҳам ҳудудда хизмат қилаётган профилактика инспекторига ҳар доим ёрдам бериш, айрим нопок кишиларнинг танобини тортиб қўйишда кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Айтиш жоизки, бизнинг ҳудудга хизмат қилаётган профилактика инспекторлари, майор Шокир Мухторов ва капитан Фарруҳ Эшбековлар ички ишлар идораларида кўп йиллардан бери ишлаб, катта тажриба орттиришган. Қишлоқ ва маҳаллага тегишли бўлган ҳар қандай масала ва муаммоларни биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳал этадилар. Дастлаб милиция таянч пунктининг биноси қурилганди. Кейин сартарошхона, тикув цехи, пойабзал тузатиш устахонаси қурилди. Яқинда эса суратхона ва «Paynet» шохобчаси ҳам ишга тушди. Бу инфратузилмани яратишда профилактика инспекторларининг муносиб ҳиссаси борлигини эътироф этиш керак.

Айни ёзги таътил кунларида болаларнинг бўш вақтини бекорчи ишларга сарфламаслик мақсадида маҳаллалар ўртасида футбол, волейбол мусобақалари уюштирилаяпти. Бунда албатта, профилактика инспекторлари бош-қош бўлмоқда. Болалар йиғилганидан фойдаланиб, жиноят кўчасига кириб қолмаслик, ҳуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар ҳақида, шунингдек, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги мавзуларида суҳбат ўтказишаётганининг бир неча марта гувоҳи бўлганман.

Бир ҳудудда ишлаб, эл учун хизмат қилаётган эканмиз, биз доимо ички ишлар ходимлари билан ҳамкор бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз эса юртимизда тинчлик, осойишталик бардавом бўлиб, қишлоқларимиз янада обод бўлсин, фуқароларимиз, тинч-тотув яшаб, фаровон турмуш кечиришсин.

**Сувон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Зарбдор туманидаги «Лалмикор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

*Жиззах вилояти.*

## ШУКРОНА

# ЁШЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМАН



**Мен қарийб ўттиз йил ички ишлар идораларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ишладим. Ҳозир нафақадаман. Гоҳида ўзим учун қадрдон бўлган вилоят ИИБ ЙҲХБ бошқармасига бориб тураман. Шогирдларим билан суҳбатлашиб, уларнинг ютуқларидан қувонсам, ходимлар учун яратилаётган шарт-шароитларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилади. Собиқ шўролар даврида бутун вилоятимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати учун саноқли автомашиналар ажратилганди. Ҳозир эса айнан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Нексия», «Матиз», «Тико», «Дамас» автомашиналари ходимлар хизматида. Алоқа воситаларини айтмайсизми. Яратилган шарт-шароитларни кўриб, ёшларга ҳавасим келади.**

**Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, албатта. Истиқлол кунларини, юртимиз иқболини кўришга муяссар бўлганимдан беҳад фахрланаман. Бугунги дориламон кунларга шукрона айтиб, унинг қадрига етишимиз керак. Айниқса, ёшларимиз мустақилликни мустаҳкамлаш учун олдинги сафларда туриб, сидқидилдан хизмат қилишлари лозим.**

**Ҳамид МУРТАЗОЕВ,**
**истеъфодаги подполковник.**
**Самарқанд вилояти.**

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Эътироф

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.**




Юрт тинчлиги ва осойишталиги масалаларига доир ҳамда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ҳақидаги материаллари билан танловда иштирок этган Қашқадарё вилояти ИИБ муассислигидаги «Посбон» газетаси махсус мухбири Зиёдулла Халилов «Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари учун» номинациясида учинчи ўринга сазовор бўлди.

Кўпчилик муштарийлар қатори барча воҳа журналистлари номидан ҳамкасбимизни ушбу шодиёна билан муборакбод этиб, унинг келгусидаги ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Содиқ РАҲИМОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

## ТАДБИР

### БУРЧ, САДОҚАТ, ИНТИЗОМ

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» Республика бирлашмаси, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ҳамкорлигида жойларда бир неча бор учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда соҳа ходимларининг интизоми, касб маҳорати, фуқаролар билан муомаласи, қонун бузилиши ҳолатлари ва бошқа масалалар бўйича сўз юритилди.

Учрашувларда иштирок этган ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Республика бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Ботир Дўстмуҳамедов ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалий кўрсатмалар берди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган ва савол-жавобларга бой бўлган учрашувларда кўп йиллар меҳнат қилган ходимлар ҳам сўзга чиқиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Самариддин ХАЛИЛОВ.**

*Тошкент шаҳри.*

### ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Қибрай тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида шахсий таркиб маънавиятини ошириш, хизматга янги келган ходимларга соҳанинг сир-асрорини янада чуқурроқ ўргатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, капитан Ёқуб Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, ушбу тадбирдан кўзланаётган мақсад, келгусидаги режалар ҳақида гапирди.

Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, капитан Рўзали Усмонов шахсий таркиб маънавиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Суҳбат тарзида уюштирилган учрашувда ходимларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди, фарзандлар тарбияси борасида қизиқарли мунозаралар бўлди.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**

### ОТА-ОНАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бекобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимларининг ота-оналари билан Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Уни бўлинма бошлиғи, капитан Ғайрат Алибердиев очиб, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, капитан Яшин Жумаев маъруза қилиб, шахсий таркибнинг касб маҳоратини ошириш, сиёсий ва жанговар тайёргарлигини яхшилаш, ходимлар давр талаби даражасида хизмат қилишида ота-оналар ва раҳбарият ҳамкорлиги хусусида тўхталди. «Исломобод» масжиди имом-хатиби Баҳодир Тошматов халқ мулкини авайлаб-асраш муқаддас бурч эканлиги, оила, хизмат маданияти ҳақида айтиб ўтди.

Йиғилишда Бекобод шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, капитан Улуғбек Умаров қатнашиб, байрамлар муносабати билан яхши тилаклар билдирди ва муносиб фарзандлар тарбияси учун ота-оналарга миннатдорлик изҳор этди.

**А. БОБОНАЗАРОВ.**

*Тошкент вилояти.*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – МУҚАДДАС

# МУЛОҚОТ РУҲИДА

Ҳозирги кунда тараққий этиб, жаҳонга юз тутган давлатлар эришаётган муваффақиятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу мамлакатларда аввало инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бизнинг юртимизда ҳам бу тамойилларга юксак инсоний қадрият сифатида қаралаётгани туфайли тинчлик, осойишталик қарор топиб, халқимиз фаровон ҳаёт кечираяпти. Бу борада айниқса, Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган жойларда қатор тадбирлар ўтказилди. Мустақиллик меваси сифатида ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмалари ташкил этилгани фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда ушбу хизматлар томонидан фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, уларни қабул қилишга етарли шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Транспорт ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси ходимларининг саъй-ҳаракати ҳам таҳсинга лойиқдир. Таъкидлаш жоизки, бу борада Транспорт прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар бўйича минтақавий вакили Транспорт ИИБ томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш юзасидан битим лойиҳаси ишлаб чиқилгани муҳим омил бўлаяпти. Йилнинг ўтган олти ойи давомида бошқарма ва қуйи тармоқ ИИБларга келиб тушган 32 та ариза ва шикоят кўриб чиқилиб, тегишли тартибда ҳал этилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўналишида ўндан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Қўнғирот ва бошқа темир йўл бекатлари тармоқ ИИБлари, шунингдек, ушбу ҳудудларда жойлашган мактаблар, коллежларда учрашувлар бўлиб ўтди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ишчи-хизматчилари, талабалар, мактаб ўқувчилари, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этган мазкур тадбирларда Транспорт прокуратураси, Транспорт ИИБ ходимлари, ҳудудий ички ишлар идоралари вакиллари, профилактика инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бердилар.

– Бизни йиғилиш иштирокчиларининг фаоллиги жуда қувонтирмоқда, – дейди Транспорт ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи, майор Хуршид Рўзиев. – Улар ҳар бир масала бўйича тортинмай, эркин мулоқотга киришишаяпти. Савол-жавоб тарзида ўтаётган мунозараларда ўртага ташланган масалалар атрофлича муҳокама қилинаётгани туфайли иштирокчилар ўзларига керакли маълумотларни олишга муваффақ бўлишмоқда. «Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият», «Одам савдосига йўл йўқ», «Оғусиз ҳаёт сари», «Қилмиш – қидирмиш» каби мавзуларда ўтказилган учрашувлар барчада катта таассурот қолдирди.

Бўлинма томонидан режадаги вазифаларни кўнгилдагидек уддалаш учун қатор чора-тадбирлар белгиланиб, бунда хизмат кўрсаткичларини янада яхшилаш, хизмат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор берилаяпти.

**Э. ҚЎЗИЕВ,**
**катта сержант.**

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА КОНВЕНЦИЯ

Подполковник F. Жўраев раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасасида «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция талабларини жазони ижро этиш муассасаларида татбиқ этилиши» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ ва прокуратурасидан масъул ходимлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят бўйича минтақавий вакили, Фуқаролик жамиятини ўрнатиш институти ва бошқа манфаатдор идора, ташкилотлардан масъул ходимлар иштирок этди.

Вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи, майор У. Адизов «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш» мавзуида маъруза қилиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар, ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Тадбир савол жавоб, музокараларга бой тарзда ўтди. Иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**катта сержант.**

*Навоий вилояти.*

# ПАЙШАНБА, 3 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Куёвлар конкурси».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Мулкдор».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
13.30 «Очун».
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
16.50 «Очун».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юрт меҳри».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар камалаги».
18.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Рамазон туҳфаси».
19.15 «Олтин мерос».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Т/с «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Ўғлим Фрэнки». Б/ф.
00.20 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.30 «Ёшлар майдони».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Очун».
01.40 «Маънавият» дастури.
03.40 «Рамазон туҳфаси».
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр: «Куёвлар конкурси».
05.15 «Одамлардан бири».
05.35 «Истеъдод».
05.50 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Балои нафс». Т/с.
8.40 «Соғлик – бойлик».
9.00 «Тошкент илҳомлари».
9.05 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тошкент-2200».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Қора ўқ». Б/ф.
11.45 «Болалар табассуми».
11.55 «Тошкент илҳомлари».
12.00 «Китоб – офтоб».
12.10 «Қадим ўлка достони».
12.50 «Мафтункор замин».
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 «Мультипанорама».
13.30 «Кичкинтойлар боғи».
13.40 «Тонгги шудринг». Т/с.
14.30 «Салом, ёшлар!»
15.30 «Умр баҳори».
15.50 «Тошкент мушоираси».
15.55 «Онажон шаҳрим».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.40 «Чемпион».
17.00 Кинокласcика: «Катта Айиқ болалари».
18.20 «Келажак эгалари».
18.30 «Табассум қил!»
18.40 «Сувни асранг».
18.45 «Тошкент илҳомлари».
18.50 «Янги мавсум».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «Шарқ гавҳари».
20.55 «Истиқлол саодати».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «ДАВР».
22.30 Миллий кино: «Сен мени севасанми?»
00.00 «KINOMANIYA».
00.30 «Тошкент илҳомлари».
00.40 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью». (рус).
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Тошкентда латифа».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Милагрос». Т/с (рус).
11.15 «Сени севдим». Б/ф.
12.50 «Дурдона».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Аёл қалби». Т/с.
16.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.00 «Сўз сизга».
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 2009 йил –Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Иқтисод-ревю». (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Ганнибал». Ҳ/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Футбол мундиал».
10.15 «Ринг».
10.45-12.20 Интерфутбол.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Бокс. Халқаро турнир. Финал.
19.55 «Формула-1». Квалификация.
20.35 Академическая гребля. Чемпионат мира.
21.05 «Спорт салтанати».
21.30 «Хабарлар»
21.55 Профессионал бокс. Рейтинг жанглари.
22.55 «Кучли эркак». Бадиий фильм.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ» 3-фасл
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Эмма» худ. фильм
13.30 Ўзбек наволари
14.30 Премьера (узб)
15.00 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ» 3-фасл
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 «Baby Terra Landiya»
17.00 Ўзбек наволари
17.30 «Энг сараси TVM да!»
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ» 3-фасл
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «ВОИЗ» бадиий фильм
23.40 Миксер

### «ЎзНТТ»

04.00 Кўрсатувлар тартиби
04.05 Барҳаёт наволар
04.25 «Зиё» студияси намойиш этади
05.00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
05.30 Барҳаёт наволар
06.00 «Яхши кайфият»
06.30 «Асрлар садоси»
07.00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусиқий дастур
07.30 «ҲУДУД».
07.50, 20.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08.00 «Дилкаш лаҳзалар»
08.30 «Янги авлод»
09.10, 18.15 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09.30 «Иблис девори» б/ф
11.00 «Кутилмаган томоша»
11.15 Ҳужжатли фильм
11.35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11.45 «Тарона»
12.15 «Бизнес репорт»
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13.00, 22.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13.30 «Ҳижрон» т/с
14.00 Кўнгил наволари
14.30 «Оливер Твист» б/ф.
16.30 «Кунг фу панда» мультфильм (1-қисм)
17.00 «Оилангиз шифокори»
17.10 «Асрлар садоси»
17.30 «Янги авлод»
18.30 «Тарона»
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади
19.25 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
20.00 «Денгиз аждаҳоси» т/с
20.30 «ҲУДУД».
21.00 «Ҳижрон» т/с
21.30 «Бизнес-репорт»
21.45 Ўзбек мусиқаси
22.30 «Яхши кайфият»
23.00 «Ўтган кунлар» б/ф
00.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

# ЖУМА, 4 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Куёвлар конкурси».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Т/с «Туташ тақдирлар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
14.35 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
16.30 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Минг бир ривоят».
18.50 «Рамазон туҳфаси».
19.10 «Олтин мерос».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Буюк аждодларимиз».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.50 «Ғаройиб мерос». Б/ф.
00.20 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.30 «Ёшлар майдони».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Очун».
01.40 «Маънавият» дастури.
03.40 «Рамазон туҳфаси».
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр: «Куёвлар конкурси».
05.15 «Ўзбекистон - умумий уйимиз».
05.45 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Балои нафс». Т/с.
8.40 «Тасвир ва таассурот».
9.00 «Тошкент-2200».
9.05 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Онажон шаҳрим».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Нозигойим». Б/ф.
11.45 «Тошкент мушоираси».
11.50 «Келажак эгалари».
12.00 «Илҳом қанотлари».
12.20 «Чемпион».
12.40 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
12.50 «Онажон шаҳрим».
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 «Мультипанорама».
13.30 «Чашма».
13.40 «Тонгги шудринг». Т/с.
14.30 «Салом, ёшлар!»
15.30 «Yoshlar-FM».
15.50 «Тошкент мушоираси».
15.55 «Истиқлол саодати».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Инсон психологияси».
17.00 Киноклассика: «Апачи».
18.30 «Тошкент таронаси».
18.40 «Табассум қил!»
18.45 «Оила – меҳр булоғи».
18.50 «Янги мавсум».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «Шарқ гавҳари».
20.55 «Тошкент мушоираси».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «ДАВР».
22.30 Кино: «Кичкина одамлар».
00.00 «Бугун».
00.30 «Тошкент илҳомлари».
00.40 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.45 «Милагрос». Т/с (рус).
11.15 «Иқтисод-ревю». (рус).
11.25 «Сўнгги легион». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.25 «Аёл қалби». Т/с.
16.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.20 «Афиша». (рус).
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Маърифат фидойилари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 «Саломат бўлинг!»
19.50 «Интервью».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
20.50 «Сўз сизга».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Война невест». Ҳ/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси».
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Баркамол авлод».
10.10 «Спорт салтанати».
10.30 Бокс. Халқаро турнир.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Формула-1». Гран-при Бельгии.
19.45 Академическая гребля.
20.25 «ГОЛ».
21.30 «Хабарлар»
21.55 «Орзу қилинган ўйин». Бадиий фильм.
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ» 3-фасл
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Воиз» бадиий фильм
13.10 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (узб)
15.00 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ» 3-фасл
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Тунлар муборак»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «ПРОГУЛКА В ОБЛАКАХ » худ.фильм
23.50 Миксер

### «ЎзНТТ»

04.00 Кўрсатувлар тартиби
04.05 Барҳаёт наволар
04.25 «Зиё» студияси намойиш этади
05.00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
05.30 Барҳаёт наволар
06.00 «Яхши кайфият»
06.30 «Асрлар садоси»
07.00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусиқий дастур
07.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08.00 «Яхши кайфият»
08.30 «Янги авлод»
09.10, 18.15 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09.30 «Ўтган кунлар» б/ф
11.00 Кутилмаган томоша
11.15 Ҳужжатли фильм
11.35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11.45, 18.30 «Тарона»
12.15 «Бизнес репорт»
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13.00, 22.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13.30 «Ҳижрон» т/с
14.00 Кўнгил наволари
14.30 Оилавий экран: «Сеҳрланган Элла» б/ф
16.00 «Кунг фу панда» мультфильм (2-қисм)
17.00 «Асрлар садоси» мусиқий дастур
17.30 «Янги авлод»
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади
19.25 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
20.00 «Денгиз аждаҳоси» т/с
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
21.00 «Ҳижрон» т/с
21.30 «Бизнес-репорт»
21.45 Ўзбек мусиқаси
22.30 «25 кадр» кинокўрсатув
23.00 НТТ да премьера: «Сукунат» б/ф
00.05 «Тунги ором» мусиқий дастур
00.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

# ШАНБА, 5 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 ТелеТеатр: «Куёвлар конкурси».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Қизалоқ ва тулкича». Б/ф.
10.00 «Мусиқа дунёси».
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 Т/с «Туташ тақдирлар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 «Очун».
13.20 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
13.55 «Ҳаёт манзаралари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ҳандалак». Ҳажвий кўрсатув.
14.45 «Багер Венс ҳақида афсона». Б/ф. Премьера.
16.50 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.30 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Қорақалпоқ наволари».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Рангин дунё».
18.50 «Рамазон туҳфаси».
19.10 «Олтин мерос».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Денгиздан томчи».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.35 «КиноТеатр».
22.00 Жаҳон киноси дурдоналаридан. «Коинот бўйлаб саёҳат».
23.55 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.05 «Рангин дунё».
00.30 «Ёшлар майдони».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Тараннум».
02.10 «КиноТеатр».
02.35 Миллий кино: «Тўйлар муборак».
03.35 «Рамазон туҳфаси».
03.55 «Олтин мерос».
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр: «Куёвлар конкурси».
05.15 «Очун».
05.45 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Балои нафс». Т/с.
8.45 «Яшаш сирлари».
9.00 «Истиқлол шукуҳи».
9.05 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тошкент-2200».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 Кино: «Шум бола».
11.50 «Қалпоқ». Ҳажвия.
12.10 «Сеҳрли қўллар».
12.50 «Табассум қил!»
12.55 «Истиқлол саодати».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 «Мультипанорама».
13.30 «Китоб – офтоб».
13.40 «Тонгги шудринг». Т/с.
14.30 «Салом, ёшлар!»
15.30 «Марғилон». Ҳ/ф.
15.50 «Онажон шаҳрим».
15.55 «Тошкент мушоираси».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Чемпион».
17.00 Киноклассика: «Оцеола».
18.30 «Тошкент илҳомлари».
18.40 «Табассум қил!»
18.45 «Янги мавсум».
18.55 «Истиқлол шукуҳи».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «Шарқ гавҳари».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «ДАВР».
22.30 Кино: «Тоғлик куёв».
00.00 «13-студия».
00.20 «Тошкент илҳомлари».
00.30 «Тунги парвоз».
01.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.45 «Милагрос». Т/с (рус).
11.15 «Афиша». (рус).
11.25 «Поэма о земле узбекской». Т/ф.
11.50 «Бахт қадри». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм ҳақида». (рус).
15.20 «Аёл қалби». Т/с.
16.10 «Сўз сизга».
16.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 «Афиша».
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Истеъдод».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Репортаж».
19.55 «Тошкентда латифа».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан «Тошкент. ва тошкентликлар».
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.20 Индийское кино: «Вир и Зара». 1-2-серии.

### «Sport»

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус)
9.25 «Жасур болалар».
10.00 «Хабарлар»
10.25 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.
10.50 «Военное дело».
11.10 «Баркамол авлод».
11.25 «Файтер». Восточные единоборства.
11.50 «Рондо». Ток-шоу.
12.35 Экстремал спорт мусобақаси: «Паҳлавонлар беллашуви».
17.30 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
18.00 «Хабарлар» (рус)
18.30 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон – Эрон миллий терма жамоалари.
21.00 «Шарқ яккакурашлари». Биринчи Осиё ўйинлари.
21.30 «Хабарлар»
21.55 «Аёл ифори».
22.35 «РИНГ».
23.05 Стендовая стрельба. Чемпионат мира.
23.40 Футбол. жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Франция – Руминия.
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 Baby hits
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Прогулка в облаках» худ.-фильм
13.20 Ўзбек наволари
14.30 «Тунлар муборак»
15.00 Семейное кино: «НЕВЕСТА И ПРЕДРАСУДКИ»
17.20 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
20.30 «Бизнинг мусиқа»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «ИЗГОЙ» худ. фильм
00.40 Миксер

### «ЎзНТТ»

04.00 Кўрсатувлар тартиби
04.05 Барҳаёт наволар
04.25 «Зиё» студияси намойиш этади
05.00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
05.30 Барҳаёт наволар
06.00 «Яхши кайфият»
06.30 «Асрлар садоси»
07.00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусиқий дастур
07.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07. 50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08.00 НТТ да ҳажвия
08.20 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»
09.00 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09.30 «Сукунат» б/ф
10.35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11.00 «Тарона»
11.30 «Робия» қисқа метражли фильм
12.00 «Ҳижрон» т/с
14.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
14.30 НТТда премьера: «Жонгинам» б/ф (Ҳиндистон)
17.00 Болалар соати: «Янги авлод»
17.50 «Оилангиз шифокори»
18.00 «Асрлар садоси»
18.30 «Тарона»
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади
19.25 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
20.00 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
20.15 «Муштарак манзил» мусиқий дастур
20.30 «Дийдор ширин»
21.30 НТТ да ҳажвия
21.45 Ўзбек мусиқаси
22.00 НТТда премьера. «ТаРарамПам» б/ф (Ҳиндистон)

ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА

**Маънавиятни ошириш, уни бойитиш ва мустаҳкамлашда музей ва санъат кошоналаридан театрларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, музейлар кишиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, тарих, ўтмиш ва бугунни қиёслашда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда мамлакатимизда музейлар фаолиятига катта эътибор бериляпти. Жумладан, пойтахтимиздаги кўплаб музейлар ҳар куни минглаб шаҳарликлар ва меҳмонларга хизмат қилмоқда. Азим шаҳримизнинг табаррук тўйи арафасида ана шу музейларнинг айримларида бўлдик.**

# МАЪНАВИЯТИМИЗ МЕЗОНЛАРИ

Яккасарой туманидаги Ракатбоши маҳалласида жойлашган Ўзбекистон амалий санъат музейининг тарихи ўтган асрнинг йигирманчи йилларининг охирларига бориб тақалади. 1927 йилда ўзбек ҳунармандлари ва усталарининг энг яхши ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилган эди. Кейинчалик бу доимий кўргазма мақомини олди. «Ўзбекистон халқ хўжалиги кўргазмаси» номи остида йилдан-йилга турли экспонатлар, жумладан, илгариги даврларда қўлда тайёрланган, тикилган кашталар, дўппилар, заргарлик, ҳунармандчилик буюмлари, гиламлар ва шунга ўхшаш халқ амалий санъати намуналари билан бойиб борди. Ушбу экспонатлар, яъни ана шу халқ амалий санъати дурдоналари 1937 йилнинг 7 июлида Тошкентда очилган ҳунармандчилик музейида намойиш этила бошланди. Кейинчалик, 1960 йилда музей «Ўзбекистон амалий санъати доимий кўргазмаси» номини олди. Мустақиллик йилларида ушбу кўргазмага ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва Давлат амалий санъат музейи мақомига эга бўлди.

Бугунги кунда музей хазинасида XIX асрнинг биринчи ярмидан то ҳозирги кунимизгача бўлган даврда қўли гул усталар томонидан яратилган бебаҳо амалий санъат дурдоналари йиғилди. Экспонатларни бадиий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, қадимий анъаналар асосида яратилган амалий санъат асарлари. Иккинчиси, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, халқ усталари анъанавий услубни сақлаб қолган ҳолда уни ўз ижодий услуби билан ривожлантириб, бадиий безак билан бойитилган санъат асарлари. Учинчиси эса бугунги кун амалий санъати тараққиётидан келиб чиқиб, ранг-баранг турфа нақшлар билан безатилган, замонавий санъат талаблари даражасидаги етук асарлардан иборат. Экспонатлар 20 дан ортиқ номдаги экспозициялар остида намойиш этилади.

Музейда сақланаётган нодир халқ бадиий ҳунармандчилиги намуналари: ганч, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, гиламдўзлик каби санъат асарлари бизнинг тарихимиз, маънавиятимизнинг бой дурдоналаридир.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат санъат музейи тўққиз йилдан сўнг ўзининг бир асрлик тўйини нишонлайди. У Марказий Осиёдаги энг йирик музейлардан биридир. Шарқ ва Ғарбий Европанинг ноёб санъат асарларини ўзида жамлаган бу музей 1918 йилда 500 экспонатни ўз ичига олган кичик тўпламдан ташкил этилган эди.

Ўтган қарийб бир аср давомида музей коллекцияси 50 мингга яқин экспонатлар билан бойиди. Бу ерда Шарқ мамлакатлари, рус ва Ғарбий Европа санъати асарларига кенг ўрин берилган. Бундай хилма-хил экспонатлар тўплами Марказий Осиё ҳудудидаги бошқа бирор музейда йўқ.

Биз табиатни севамиз, уни асрашга ҳаракат қиламиз. Флора ва фауна дунёсининг камёб нусхаларини Қизил китобга киритамиз, музейларда сақлаймиз. Чунки табиат инъом этган бу ажойиботларни келгуси авлод ҳам билиши, кўриши керак. Ана шу мақсадда 1876 йил июль ойида ташкил этилган Ўзбекистон давлат табиат музейи дастлаб табиатшунослик, антропология ва этнография билан қизиқувчиларнинг тўплаган экспонатларидан иборат бўлган ва «Тошкент музейи» деб номланган.






Мазкур музей ўз йўналиши бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. У аввал Туркистон халқ музейи, Ўрта Осиё бош музейи, Ўрта Осиё табиат музейи ва ишлаб чиқариш кучлари, Фанлар академиясининг табиат музейи, 1935 йилда Ўзбекистон Давлат табиат музейига айлантирилган. Музейнинг асосий вазифаси республикамиз табиатини муҳофаза қилиш, йўқолиб бораётган ўсимлик турларини асрашдир. Бунинг учун минглаб экспедициялар уюштирилиб, флора-фауна дунёсига оид экспонатлар йиғилган. Ҳозирда музейнинг илмий жамғармасида 380 мингдан ортиқ ботаника, зоология, геологияга оид намуна мавжуд бўлиб, уларнинг 350 мингдан ортиғини ҳашаротлар коллекцияси, энтамология фонди ташкил этади. Амалга оширган ишлар натижасида музей бир неча бор тақдирланган. Жумладан, 1967 йилда мамлакатимизда ўтказилган музейлар кўригида биринчи ўринни эгаллаб унга «Ўзбекистондаги энг яхши музей» унвони берилган, 2005 йил «Экосан», халқаро ташкилоти томонидан экотуризм ва барқарор ривожланиш халқаро кўргазмасида фаол иштирок этгани учун диплом билан, 2007 йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивалида фаол иштирок этгани учун II даражали диплом билан, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивалида фаол иштироки учун II даражали диплом билан тақдирланди.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан «Олимпия шон-шуҳрати» музейи ташкил этилди ва олимпия ҳаракатига ихтисослаштирилган жаҳондаги олтита музейнинг энг йирикларидан бирига айланди. Халқаро олимпия қўмитаси ушбу музейга ўзининг Лозаннадаги олимпия музейи филиали мақомини берган. Музей фаолиятининг асосий йўналишлари олимпия ҳаракатини, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинларини кенг тарғиб этиш, олимпия ҳаракати бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашишга қаратилган. Икки мингдан ошиқ экспонатлар ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан музейга совға қилинган, Юртбошимизга халқаро олимпия ҳаракати ва спортни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун берилган Халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин ордени, Миллий олимпия қўмиталари ассоциациясининг Олтин ордени, Ҳаваскор курашчилар халқаро федерациясининг Олтин маржони ҳамда Халқаро бокс федерацияси, Профессионал теннис бўйича, Кураш бўйича ҳамда бошқа халқаро спорт федерациялари томонидан тақдим этилган кубоклар, бошқа совғалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Шунингдек, Халқаро Олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия кенгаши, машҳур спортчилар томонидан тақдим этилган эсдалик совғалари, Олимпия ўйинлари, жаҳон биринчиликлари, Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари нишонлари, спорт анжомлари, кубоклар, Олимпия ўйинлари машъалалари музей экспозициясига қўйилган.

Музейда Жаҳон ёзги ҳамда қишки Олимпиадалар ўйинлари, Осиё ўйинлари тарихи, уларда Ўзбекистон спортчиларининг иштироки, эришган ғалабаларига бағишланган экспозицияларида антик давр ва замонавий Олимпия ўйинларига тааллуқли қадимий тангалар, медаллар. эсдалик нишонлари, кубоклар, ҳайкаллар, рангтасвир ва графика асарлари почта маркалари, плакатлар, дастурлар, таклифномалар, китоблар ва рисолалар, бошқа босма материаллар, видеоматериаллар, фотосуратлар ҳам мавжуд.

Музейда мунтазам равишда Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон биринчиликлари, нуфузли халқаро мусобақалар ғолибларини шарафлаш тантанали маросимлари, Халқаро Олимпия Қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши, халқаро спорт федерациялари томонидан спорт мураббийлари, ҳакамлар учун халқаро семинарлар, машқлар ўтказиб турилади.

Пойтахтимизда музейлар кўп, мустақиллик йилларида уларнинг сони янада ортганини айтиб ўтиш жоиз. Улар маънавиятимизни юксалтиришга ҳисса қўшаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Маънавиятимизнинг мезонларидан яна бири бу театр санъатидир. Юртимизда театр санъатини шаклланишида Ўзбек миллий академик драма театрининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. У 1913 йил Тошкентда ташкил топиб, 1914 йилнинг 27 февралида М. Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари асосида тайёрланган томоша билан очилган. Дастлаб труппа сифатида фаолият кўрсатган театрнинг бадиий раҳбари Абдулла Авлоний эди. Мунавварқори Абдурашидхонов сингари Тошкентнинг мўътабар кишилари маънавий ва моддий жиҳатдан труппага ҳомийлик қилишган. 1918-1921 йиллар Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Бадриддин Аъламовлар бошчилигидаги Аброр Ҳидоятов, Абдураҳмон Акбаров, Фатхулла Умаров, Карим Ёқубов, Шокир Нажмиддинов, Музаффар Муҳаммедов, Етим Бобожонов, Сайфи Олимов, Босит Қориев, Обид Жалилов сингари театр келажагига йўл очган актёрлар репертуарини таъминлаган Абдурауф Фитрат, Ғози Юнус, Чўлпон, Хуршид ва бошқа драматургларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, театр фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. Ижодий жамоа ҳар томонлама эркин иш юритиш, репертуар тузиш имкониятига эга бўлди. Театр биноси 2001 йилда миллий меъморчилигимиз ва замон талабларига мос қилиб қайта таъминланди. Таъмирдан сўнг бино бутунлай янги қиёфага эга, замонавий техник-муҳандислик асбоблари билан жиҳозланди.

1928 йилда Ўзбекистон ёшлари театри, 1929 йилдан эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Республика ёш томошабинлар театрлари томошабинларга хизмат кўрсата бошлаган. 1934 йилдан Ўзбекистон академик рус драма театри, 1939 йилдан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри, Республика қўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатиб келяпти.

Ўзбекистон қўғирчоқ театри ўз фаолиятини бошлагунга қадар халқ қўғирчоқбози Пўлатжон Дониёров раҳбарлигидаги кичик бир труппа эди. Давлат қўғирчоқ театрига асос солган П. Дониёров унинг издошлари С. Ўрозова, Е. Подгурская илк даврларда ўзбек халқ қўғирчоқ театри анъаналари ва рус қўғирчоқ театри тажрибаларига суяниб иш олиб борган. Жамоа ўз ишини болалар театри сифатида бошлаган бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши даврида катта ёшдаги томошабинларга ҳам хизмат қилган. Ватанпарварлик мавзусидаги концерт, саҳна кўринишлари билан халқ оммасининг куч-қудратини ифодалаб турарди. Йиллар давомида жамоа спектакллардаги уйғунлик, қўғирчоқ ясаш ва уларни ўйнатиш услубини мукаммаллаштириш масаласига кўпроқ эътибор бера бошлайди. 1969 йил 15-20 сентябрь кунлари Ўрта Осиёнинг Тошкентда ўтказилган биринчи фестивалида театр, Зулфия ва С. Сомова ҳаммуаллифлигидаги «Семурғ», Е. Череповетскийнинг «Қойил, Чиёвжон» номли спектакллари билан қатнашиб яхши баҳо олди. 1966 йилда театр қошида 2 йиллик театр студияси ташкил этилиб, унинг илк қалдирғочлари ўз дастурларини 1972 йил Ҳиндистонда намойиш этган. Йил совринларини қўлга киритган. 1979 йил октябрда театр муҳташам замонавий бинога кўчди. Бино Ҳамид Олимжон достони, Зулфия ва С. Сомова инсценировкаси асосида ишланган «Ойгул ва Бахтиёр» спектакли билан очилди. Ва шу йили Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрларининг биринчи халқаро фестивалида ғолиблар қаторидан жой олди. Йиллар давомида ранг-баранг эртак ва спектакллар яратилди, ижро этилди, муваффақият қозонди.

Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта театри ҳам юртимиздаги нуфузли санъат кошоналаридан биридир. Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида бунёд этилган театр пойтахтимизнинг энг кўркам бинолари қаторида тилга олинади. Театр ижодий жамоаси опера ва балет санъатини ривожига катта ҳисса қўшаётганини жаҳондаги йирик санъатшунослар эътироф этишади.

Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрининг спектакллари ўзининг жозибадор қўшиқ ва куйлари билан ажралиб туради. Бу ерда ўзбек миллий театр санъатининг дарғалари Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсоқова, Соиб Хўжаевлар ижод қилишган.

Шаҳарнинг бундай номдор, ҳашаматли театрлари, музейлари, санъат саройлари кўп. Улар пойтахтимизнинг жамолига янада фусун бағишлаш билан бирга маънавиятимиз мезони сифатида халқимизга хизмат қилмоқда.

**Ғули Нигор АВАЗОВА.**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Алишер Навоий замонасида яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий Шарқнинг машҳур алломаларидан бири бўлган. У ахлоқ, тарих, тасаввуф, нужум (астрономия), риёзиёт, фиқҳ соҳаларига доир асарлар ратган. Унинг «Футувватномаи султоний», «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолаи Ҳотамия», «Анвори Суҳайлий», «Лавомеъ ул-қамар», «Лубби лубоби Маснавий», «Маҳбуб ул-зуҳал», «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ улашъор», «Жавоҳир ут-тафсир» каби ўнлаб асарлари беш юз йилдан бери шарқда одоб ва ахлоқ дастури сифатида ўқиб келинмоқда. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг мухлиси, шогирди ва дўсти бўлган. У «Тафсири Ҳусайний» ва «Жавоҳир ут-тафсир ат-туҳфат ул-Амир» номли тафсир асарларини Алишер Навоийга бағишлаб ёзган.*

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоийс» асарида бу воиз ҳақида шундай маълумот беради: «Мавлоно Ҳусайн Воиз — «Кошифий» тахаллус қилур, Сабзаворлиқдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун рангин ва пуркор воқе булубтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор ва мусаннафотидин бири «Жавоҳир ут-тафсир»дурким, «Ал бақара» сурасин бир мужаллад битибдуркимким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай. Бовужуди барча хиралиқ ва доноиқ шаҳр шўхларидин бир Хожа Ҳофизнинг бу матлаъин битиб, минбарининг устиға қўйғондур, будурким:

*Воизон кин жилва бар меҳробу минбар мекунанд,*
*Чун ба хилват мераванду кори дигар мекунанд.*

Олиб ўқуғач, кўп мутағаййир ва музтариб бўлиб, хили хорижи мабҳас сўзлар айтиб, неча вақт ваъз айтмади. Хасми номаълум худ ўз мақсудин ҳосил қилди. Аммо Мавлоно қилғонининг хато эрканига воқиф бўлғач, яна ўз иши бошиға борли. Бормаса икки хато бўлур эрди. Бок йўқдур, айбсиз Тенгридур».

Навоийнинг бу сўзлари Ҳусайн Воиз Кошифий баркамол инсон бўлганлигидан далолат беради. Қуръони каримдаги биргина «Бақара» сураси шарҳига юз табоқ ҳажмдаги тафсир бағишлаш улкан донишмандликни талаб этарди. Бу — сура нақадар батафсил, майдалаб, мағзи чақилиб, оммабоп ва оммафаҳм услубда шарҳланганини кўрсатади.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларини ўрганиш билан шарқ маънавиятининг ўша даврдаги илғор усулларидан хабардор бўлибгина қолмай, таълим ва тарбия олишда муҳим қўлланма эканлигини англаш қийин эмас. Масалан, «Футувватномайи султоний» асарида нутқ одоби тўғрисида муфассал тафаккур юритадики, бунинг маҳсули нутқ одоби низомномасидай шаклланган. Мутафаккирларимизнинг наздида тил суҳбат ва нутқ одобининг бирданбир воситасидир. Уни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатишгина нотиқни мақсадга муяссар этиши мумкин.

Ҳаётда, инсонлараро муомалада тилнинг фаолиятига эҳтиёж ва зарурат жуда катта. Қуйидаги ҳолатларда тилни суҳбатга очиш лозим ҳисобланади: Зарурат тақозоси билан кўнгилдаги яширин сирларни ошкор этиш, мазлумларнинг фарёдига, нидосига, илтижосига жавоб бериш, мазлумларга мадад бериш мақсадида сўз айтиш. Зотан, бу ҳолатларда кўнгил енгил тортади, айтилган сўзлар мазлумларни золимлар зулмидан озод этиши мумкин.

Тилдан фойдаланиш билан бирга, кези келганда, тилни сақлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Тилни асраш ўзни асраш, тинчликни сақлаш, инсонлар аро муомала, муносабат мувозанатини меъёрлаштиришга сабаб бўлади. Ҳусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича кўрсатади: «Биринчи, ёлғон гапиришдан, зеро, ёлғончи худонинг душманидир. Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, ғийбат ва бўҳтон гаплардан, чунки бўҳтон фосиқлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу мунозаралардан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қарғашдан, дуойи бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-ҳузулдан».

Одамзоднинг ички маънавий олами, шарафи, обрў-эътибори унинг нутқида намоён бўлади. Суҳбат ва нутқ одобига риоя қилмаган киши эса шараф ҳамда обрў-эътибордан маҳрум бўлади. Маънавий қиёфасининг ночорлигини намойиш этиб қўяди. Сўз муқаддас нарса, шундай экан, у фақат эзгулик учун хизмат қилиши керак. Сўз тўғри, ўринда, вақтида айтилган ва ҳақиқатни илгари сурадиган бўлиши лозим. Ҳатто, жуда танг аҳволда қолганда ҳам одам ҳақиқатни айтолмас экан, ҳаққоний гапиролмас экан, лоақал ёлғонни ҳам гапирмасин. Жим турсин. Ёлғон гапирмасликнинг ўзи ялпи ростгўйликдир.

> *Улуғ сухандон устозлар: назм — қиссахонликда бамисоли таомга солинадиган туздир — агар кам бўлса, таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса, шўр бўлади, деган эканлар. Ёлғон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасинки, элнинг назаридан қолади.*

Сўзлаш ҳам, тинглаш ҳам жуда катта масъулият ва маданиятни талаб қилувчи инсоний фазилатлардир. Агар инсон яхши сўзласа-ю, тинглашни билмаса ёхуд тингласа-ю, сўзлаёлмаса, бу ҳам маънавий ноқислик аломатидир.

«Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди. Агар нуқсонли сўз қайсидир, деб сўрасалар, Худо ва Расулнинг сўзига мувофиқ келмайдиган сўз, деб жавоб бергил», — дейди Ҳусайн Воиз Кошифий.

Дарҳақиқат, айтилган сўз одам учун фарзанди жигарбандидай бир нарсадир. Ота-она фарзандидан тонолмагани сингари, ўз сўзидан ҳам тонолмайди. Фарзанд ҳам ота-онадан тонолмагани каби, сўз ҳам сухандоннинг ўзиники. Шунинг учун айтиладиган сўзга масъуллик отаонанинг фарзандга, фарзанднинг отаонага масъуллиги даражасида бўлмоғи лозим. Элга фойда келтирадиган фарзанд қобил, бировга зарари тегадиган фарзанд эса ноқобил саналади. Сўз ҳам шундай. Бировга нафи тегадиган сўз яхши саналади ва у ўз эгасига шараф келтиради. Бировга зарар етказадиган сўз эса ёмон ҳисобланади ва сўзловчини бадном этади.

Ҳусайн Воиз Кошифий воизлик ҳақидаги асарида кишилар олдида сўзамоллик қилган киши ҳар бир гапни унинг мазмунига қараб айтиши ва ўзини ана шу гап мазмунига мос равишда тутиши кераклигини уқтиради. Бу ҳозирги кунда нотиқлик қилаётганларга ҳам тааллуқли, албатта. Сухандон ёки нотиқ гапираётган сўзнинг мазмунини эшитувчиларга англатиш, етказиш учун ҳар бир жумлани тўғри талаффуз этишдан ташқари ҳаракати ва ўзини тугиши билан янада таъсирчанлигини оширишн керак.

Сухандонлик одоби шулардан иборатки, сухандон, аввало, имон-эътиқодли бўлсин; иккинчидан, сухандонлик мавқеидан ғаразли ниятда ва қасд олиш учун фойдаланмасин; учинчидан, бойликка, ҳирсу тамага берилган бўлмасин; тўртинчидан, мадҳда ошириб муболаға қилиш билан шуғулланмасин; бешинчидан, даврa, тўй-маърака манфаатини кўзлаб гапирсин, мавқеини суиистеъмол қилиб, ўз-ўзини тарғиб қилиш, ўз шахсиятини улуғлаб кўрсатишдан сақлансин: сухандонлик бурчини сўзни сўзга улаш деб тушунмасин, узундан-узоқ гапириб, аравани қуруқ олиб қочмасин, балки даврa аҳлини, меҳмон ва мезбонларни маҳорат билан сўзлатсин, уларнинг кўнгилларидаги гапни топсин, қулфи дилларини очсин.

Сухан аҳлининг бир-бири билан ўзаро муносабатлари одобида қуйидаги қоидалар мавжуд: аввало, улар бир-бирлари билан дўст, ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат, маслакдош, бўлсинлар; бир-бирлари билан келишмай иш бошламасинлар; ҳирсу ҳавас билан рақобатга киришмасинлар, ожиз-бечораларни сафларидан суриб чиқармасинлар; бир-бирларини ҳурматлашлари сақлашда қилча гумон-шубҳага йўл қўймасинлар, токи ҳамма ерда, ҳамма вақт муҳтарам, азиз ва ҳамкор бўлсинлар.

Қиссахонликнинг аҳамиятини XV асрдаёқ Ҳусайн Воиз Кошифий шундай таъкидлайди: «Шуни билки, қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаси катта. Биринчидан, киши ўтган аждодларнинг иши ва аҳволидан хабардор бўлади. Иккинчидан, одам ғаройиб ва ажойиб воқеа, саргузаштларни эшитса, фикри ва кўзи очилади. Учинчидан, ўтганларнинг заҳмату уқубатларидан хабардор бўлса, ҳеч ким бу дунёда ташвиш-ғамдан озод эмаслигини англаб, кўнгли таскин топади, тасалли бўлади. Тўртинчидан, ўтган подшолар давлати ва мулкининг заволини эшитса, дунё молига меҳри сусаяди, бойлик кишига вафо қилмаслигини билиб олади. Бешинчидан, қисса эшитган беҳад кўп ибрат олади, тажриба орттиради. Бас, маълум бўладиким, ўтмиш аждодларнинг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўқувчи билан бирга эшитувчи ҳам ундан наф топади ва агар ғайри воқеъ (тўқима) бўлса, айтувчи учун гуноҳ ҳисобланса-да, аммо эшитувчи учун фойдали ва савобдир...»

Қиссахон ва сухандонларнинг мавқемартабаси ўтмишда улуғ бўлган. Йиғинларда уларни давранинг бошига баланд курсига ўтқазишган. Подшолар сўз ҳунарида ном қозонган кишиларни сийлаб, ўз ҳузурларидаги курсига таклиф этганлар.

Қиссахонлик ҳикоят, ривоят ва насрий қиссалар айтиш ҳамда шеърхонликка бўлинади.

Шу ўринда ўтмишда ҳозиргидек оммавий ахборот воситалари бўлмаган шароитда қиссахонликнинг аҳамияти катта бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қиссахонликни улуғлаганининг боиси ҳам шундай, қисса айтувчи, шеър ўқувчи уни тинглаганларни одоб-ахлоқли бўлишга чақирган. Гарчи асосий мавзулар диний масалаларда бўлса ҳам, исломда инсон маънавиятини ошириш учун уламолар, алломалар томонидан битилган китоблар, ривоятларга катта ўрин берилган. Шуни назарда тутган ҳолда қиссахонлик ўша давр кишиларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган деган хулосага келишимиз ўринли бўлади.

Қиссахонлар ва афсона айтувчилар шунчаки оғзига келганини айтиб юрадиган ваъзхонлар эмас, илмли, маърифатли кишилар бўлишган. Халқ кўп йиғиладиган масканлар, масжид ва мадрасалар, кишилар гавжум жойларда махсус йиғин ўтказиладиган жой бўлмаса, соя-салқин жойларда кишиларни йиғиб, маърифий масалаларда нотиқлик қилганлар, кишиларни тарбиялашда катта ўрин тутадиган ривоят ва афсоналарни айтиб, уларни тўғри йўлга солишган. Маънавиятга катта эътибор берилаётган ҳозирги замонда қадимда катта аҳамиятга эга бўлган шу анъаналарни тиклаш фойдадан холи бўлмасди.

Улуғ сухандон устозлар: назм — қиссахонликда бамисоли таомга солинадиган туздир — агар кам бўлса, таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса, шўр бўлади, деган эканлар. Ёлғон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасинки, элнинг назаридан қолади. Кинояли, тушунилмайдиган, мавҳум сўзларни қўллаб тингловчиларни ранжитмасин. Тамагирлик, гадойлик қилиб одамларни ўзидан бездирмасин. Қиссахонликни ҳаддан ташқари тез тугатмасин, ортиқ чўзмасин ҳам, ўрта меъёрни сақласин.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг комил инсон маънавий-маърифий қиёфасининг бошқа жиҳатларига тегишли сабоқлари ҳам кўп. Манбаларда унинг фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, дин тарихи, воизлик, шеър санъати каби фанларга оид 200 дан ортиқ асарлар ёзгани қайд этилган. Унинг 45 номдаги асарларининг 197 кўлёзма ва 75 тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади.

Ҳусайн Воиз Кошифий меросининг аҳамияти шундаки, унинг асарларида инсоний фазилатларни улуғлаш билан бирга унга эришиш йўллари ҳам кўрсатилган. Яъни, кишиларни одоб ва ахлоқ бобида тарбиялашда беқиёс хизматга эга. Унинг асарларида кўҳна шарқ маънавиятининг дурдоналарини кўриш мумкин. Кишилар маънавиятини оширишда катта ўрин тутганлиги билан ҳам асрлар бўйи ўз аҳамиятини йўқотмай, гавҳар янглиғ тобора яркираб, жилоланиб турибди.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**Тошкент Давлат юридик институти профессори, филология фанлари доктори.**

31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

# АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

***Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бағрида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилди. Қарияларимизнинг айтишича, бир вақтлар бу ерда ёлғиз юришга киши юраги бетламас экан. Шу қаровсиз ерда халқимизнинг не-не асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза кўмиб ташланганлиги кўпларнинг хаёлига келмаган ҳам. Айнан шу ерда миллатимиз ифтихори бўлмиш – Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари кўплаб зиёлилар шафқатсизларча қатл этилган. Тарихнинг не-не талотўпларига гувоҳ бўлган мазкур хилват жой истиқлол шарофати билангина бугун таниб бўлмас бир қиёфа касб этди, зиёратгоҳ қадамжога айланди.***



Аслида, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг айнан Бўзсув соҳилида барпо этилиши бежиз эмас. Зулм ва зўравонликка асосланган бешафқат тузум даврида миллий ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган маърифатпарвар ватандошларимизнинг жасадлари шу ердаги тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Мустақиллик йилларидагина аждодлар олдидаги инсоний бурчимиз адо этилди. Шу боис, бу манзил қатағон қурбонларининг ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, айрилиқ дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари тавоф айлайдиган муқаддас қадамжога айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йилнинг 31 август куни музейга ташрифлари чоғида музей фаолиятини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш хусусида тўхталган эдилар. Юртбошимизнинг ўтган давр мобайнида қатағон мавзусини илмий ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар, янги топилган маълумотларни кенг ёритиш, тарихимизнинг фожиали саҳифалари ҳақидаги ҳақиқатни жамоатчиликка, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодга холис ва ҳаққоний етказиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари, айниқса, биз учун дастуриламал бўлди. Шунингдек, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини миллий истиқлол ғояларига асосланган ҳолда тарбиявий масканга айлантириш, музей илмий экспозициясини янгитдан шакллантириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар зиммасига қатор вазифалар юклатилди. Ушбу ишларни амалга ошириш мақсадида махсус илмий гуруҳ тузилди.

Хусусан, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг янги экспозициясини ташкил этиш жараёнида республика Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар ҳамда Мудофаа вазирликлари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Бадиий академия сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Илмий гуруҳ томонидан музей экспозициясини бойитишда қуйидаги мақсад ва вазифалар асосий йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Аввало, музей учун қурилаётган бинонинг биринчи залида ва уни эски бино билан боғлайдиган галереясида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинишидан то мустақиллик даврига қадар бўлган тарихий жараён акс этиши лозим эди. Иккинчи залда эса мустақиллик даврида мамлакатимизда тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, шу жумладан, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, халқимиз бугунги тинч, осуда ва фаровон ҳаётга эришиш учун не-не оғир синовларга дуч келган. Ҳар қандай вазиятда ҳам эл-юртнинг асл фарзандлари босқинчиларга бўйин эгмаган, зулм ва зўравонликка қарши мардларча курашган. Экспозицияда қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимизнинг ана шу курашлардаги иштирокини ҳар томонлама чуқур очиб беришга алоҳида аҳамият берилди. Қолаверса, музейга келадиган ҳар бир юртдошимиз қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат ва садоқат ҳиссини уйғотиш, айниқса, ёшларимизнинг бугунги дориламон кунлар қадрига етиш, қатағон қурбонлари хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром ила муносабатда бўлмоқликка ундаш – экспозициянинг ғоявий асосини ташкил этади.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташкил топган вақтдан бери ходимларимиз мустамлакачилик даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30, 50-йилларида бўлиб ўтган сиёсий қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларга бағишлаб газета ва журналларда мақолалар эълон қилиш, китоб ва рисолалар чоп этиш, адабиёт, санъат асарларини яратиш ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар ҳамда кўплаб хотира кечалари, суҳбат ва маърифат соатлари ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, архив материаллари асосида Ўзбекистон тарихининг номаълум саҳифаларига оид ҳамда айрим жабрдийдаларга бағишланган ҳужжат ва материаллар нашрга тайёрланиб, илмий тўплам тарзида эълон қилиб борилади.

Бу эзгу ишлар қатағон қурбонлари хотирасига кўрсатилаётган беқиёс эҳтиром намунасидир. Зеро, ўтмишдан сабоқ чиқариб яшаш бизни хато қилмасликка, хур ва осойишта замоннинг қадрига етишга ундайди. Буюк аждодларимизнинг юрт озодлиги йўлидаги фидойиликлари замирида ҳам шу қутлуғ кунларни кўриш истаги мужассам эди. Бу улуғ мақсад йўлида улар тиним билмай олға интилдилар, нурга, зиёга талпиндилар. Гарчи бунинг оқибатида улар жабр чеккан, азобланган, таҳқирланган бўлсалар-да, келажакдан умидсизланмадилар...

Бугунги энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолимизнинг 18 йиллиги нишонланаётган қутлуғ кунларда ўтмишга назар ташлаб, машъум қатағон даври ҳақида мулоҳаза юритиб кўрсак, халқимизнинг шафқатсиз тузум даврида минг бир азоба ҳадик ичра кун кечирганини тушуниб етамиз. Зеро, қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмаган, истибдоднинг оловида хўлу қуруқ баравар ёнганлиги тарихий ҳақиқатдир.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**
**«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, тарих фанлари доктори, истеъфодаги полковник.**

### ШАҲИДЛАР НИДОСИ

*... Кўк гумбаз остида қабримиз бордир,*
*Тошларга айланган сабримиз бордир.*
*Зиёратга келган бедор қалбларда,*
*Меҳрга йўғрилган қадримиз бордир!*

*Тинглар бугун бизнинг ғамгин ноламиз,*
*Бўзсув бўйларини кезган боламиз,*
*Ҳурлик, Истиқлол деб шаҳид кетдик биз,*
*Ҳамон унга мангу содиқ қоламиз!*

*Кўк гумбаз кўк кийган мунис онадир,*
*Мунгли кўз ёшидан Бўзсув тўладир,*
*Сув узра тўлқинлар — соғинч, воладир,*
*Қирғоқда руҳимиз жим парвонадир.*

*Ортда қолди ўтмиш, оҳу фарёдлар.*
*Бизнинг орзуларга етди авлодлар,*
*Биз йиғлаб ўтказган «Ўткан кунлар»ни,*
*Эркин, ҳур авлодлар хотирлар, ёдлар.*

*... Кўк гумбаз остида қабримиз бордир...*

**Эркин САТТОРОВ.**

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# ЎТГАНЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Қатағон йиллари... Гарчи тарих сифатида абадиятга муҳрланган бўлса-да, унинг фожиаларини эслаш ҳамон оғриқли, ҳамон изтиробли. Халқнинг бошига қора қуюндек ёпирилиб, не-не азоб-уқубатларга гирифтор қилган ўша йиллар. Мустамлакачиларнинг шафқатсиз сиёсати туфайли ўз юрти озодлиги учун курашган боболаримизнинг олис музликларга сургун қилиниб, сўнгра қатл этилганлиги, турли макр-ҳийла, найранг ва бўҳтонлар қурбони бўлган аждодларимиз қисмати хусусида сўзлагувчи тарихнинг қонли саҳифаларини ўқир эканмиз, босқинчилар зулми, очарчилик етмагандай, отасиз қолган бегуноҳ норасидалар, тул қолган келинчаклар, навқирон ўғлидан айрилиб қолган оналар фарёди қулоғимизга чалингандай бўлади. Не-не ота-боболаримиз шу юрт, шу мўътабар замин озодлиги, ҳурлиги учун курашдилар. Улар мустабид тузумнинг қонхўр сиёсати қурбонига айланиб, армон билан ҳаётдан кўз юмишди. Аммо сўнгги нафасигача она-Ватан мустақиллиги учун яшадилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россиясининг Ўрта Осиёга илк юришларидан то юртимиз мустақилликка эришгани чоғгача бўлган тарих билан сўзлашар эканмиз, бугунги дориламон кунлар, мусаффо осмон, гулларга бурканган она замин, истиқлолнинг қадри нечоғли баланд эканлиги, мукаррамлигини янаям чуқурроқ англаймиз, ҳис қиламиз. Бугун она диёримизда ҳурлик ва озодлик, истиқлол байроғи ҳилпираб турганига 18 йил тўлди. Шундай қутлуғ дамларда ушбу ёруғ кунлар орзусида яшаган аждодларимиз руҳи шод бўлиши муқаррар.

Маълумки, истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Ватан, халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган, ҳаётларини қурбон қилган ота-боболаримизнинг хотираси олдида покланиб, улардан ибрат олиш, уларга муносиб авлод бўлиш, улар орзу қилган чароғон ва фаровон кунлар қадрига етиш эса бизнинг бурчимиздир. Негаки, юз минглаб қатағон қурбонлари бу табаррук заминни саждагоҳ каби муқаддас билган, унинг дахлсизлиги йўлида курашган ва ҳалок бўлган.

Куни кеча ана шундай ота-боболаримизнинг руҳларини шод этиб, зиёрат қилиш учун «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасига бордик. Йўлаклар чиннидек тоза, анвойи гуллар барқ уриб очилиб турибди. Фавворалар қуёш нурларида товланиб ажиб гўзаллик яратган.

Не-не қора кунларга, мусибатларга гувоҳ бўлган Бўзсув бугунги ёруғ кунлар шукуҳидан шодлангандек хотиржам, осуда оқади. Кираверишдаги мовий гумбаз остида рамзий сағана. Зиёратгоҳга келганлар бу ерда ётганлар руҳига Қуръон тиловат қилиб, уларни ёдга олмоқда. Сўнгра «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи томон юришаётир. Ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб юрганларни суҳбатга тортаман.

– **Биз Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидан келдик,** – дейди Зебо Рамазонова. – **Шаҳидлар хотираси мажмуаси жуда чиройли жой экан. Ота-боболаримизнинг Ватан озодлиги йўлидаги жонфидолиги ва фожиали қисматлари**



**қалбларимизда ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтиради.**

– **«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи менда жуда катта таассурот қолдирди. Кўзларимга ёш қуюлиб келаяпти. Мустақиллик, ҳурлик нақадар улкан бахт эканлигини янаям чуқур ҳис қилдим,** – дейди Шохиста Бобоева.

Шаҳримиздаги 272-мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам зиёратга келишган экан.

– **Биз тарих дарсида қатағон йиллари, унинг қурбонлари хусусида кўп ўқиган эдик. Бу ерда эса гўё тарих кўз олдимизда жонлангандай бўлди. Ўша давр қурол-аслаҳалари, кийим-кечаклари, турли ҳужжатлар, озодлик учун курашганлар ҳақидаги лавҳалар бизни жуда ҳаяжонга солди,** – дейди Дилноза Шокирова.

– **Қодирий, Фитрат, Мунавварқори сингари боболаримизнинг ҳибсда сақланган пайти олинган суратлари, ҳорғин ва ғамгин, аммо юртга бўлган чексиз муҳаббати сезилиб турган чеҳралари кишини она юртни янада севишга, тинч-осойишта кунларимизни асраб-авайлашга даъват этаётгандек гўё,** – дейди Мадина Абдуллаева.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини айланар эканман, негадир К. Паустовскийнинг «Ҳаёт ҳақида қисса» асаридан олинган парча хотирамда жонланиб, кўнглимни ўртаб юборди. Унда шундай дейилган: «Кўчадан соқчи отлиқлар назорати остида кўк тўн кийган минглаб ўзбеклар ўтиб борарди. Ўрта Осиёдаги қўзғолон бостирилган эди. Ўзбекларни эса Мурманск – шимолий темир йўл қурилишига – муқаррар ўлимга ҳайдаб кетмоқда эдилар. Илк қор парчалари уларнинг бодомнусха қора дўппиларига қўнмоқда... Маҳкумларнинг бу оқими бир неча кун давом этди...»

Зиёратгоҳдан қайтар эканман, ўша машъум кунлар ортда қолганлигига, шу ёруғ кунларга, юртимиз озод ва ҳур эканлигига беадад шукроналар айтдим. Бу дориламон кунларни асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини яна бир бор дилдан ҳис этдим.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**
*Тошкент шаҳри.*

ХАТЛАР ШАРҲИ

***Шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Барча қатори ички ишлар ходимлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилишмоқда. Буни таҳририятга келаётган мактублар орқали ҳам билиб олиш мумкин.***

# МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ — ҲАЁТ АНДОЗАСИ

Ана шундай номалардан бирини Тошкент тумани «Чувалачи» қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида истиқомат қилаётган фалсафа фанлари номзоди **У. Бозоров** йўллаган. У киши ҳозирда 86 ёшни қаршилагани, кўпчилик қатори истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлаётганидан мамнун эканлигини баён этган. Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиги, тарих фанлари номзоди, подполковник **Д. Баҳронов**нинг мактубида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи ҳақида гап боради. Муаллиф қадимда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган шаҳри азимнинг қиёфаси, айниқса, мустақиллик йилларида тубдан ўзгариб, нуфузи дунё миқёсида ошиб бораётгани ҳақида фикр билдирган.

Қўлимиздаги яна бир туркум хатларга кўз югуртирамиз. Улар билан танишиб, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва содир этилган жиноятларни фош этиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида билиб оламиз. Бу борада «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Қашқадарё вилоят филиали ходими **Шукрулло Жалилов** билдирган мулоҳаза кўпчиликни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Унда жумладан шундай дейилади: «Бугунги кунга келиб гиёҳвандлик балоси XXI асрнинг энг оғриқ нуқталаридан бирига айланди. У қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни ўз домига тортаяпти. Шу боис ҳам бу офатга қарши барча ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин».

Журналист **Муҳайё Назарова** ўз мактубида Навоий вилояти Навбаҳор тумани ИИБ ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда «Тозалаш-Антитеррор» тадбирида фаол иштирок этаётганини маълум қилган. Мақолада ёзилишича, профилактика инспектори **Орзи Нурназаров**нинг ҳушёрлиги туфайли иккита хонадонда наша ўсимлиги парваришланаётгани аниқланиб, йўқ қилинган.



Фарғона вилоятидан подполковник **Акромжон Мадумаров**, майор **Дилмурод Жўраев**, Бухоро вилоятидан майор **Асадбек Нарзуллаев**, Сурхондарё вилоятидан лейтенант **Азизжон Зокиров** ички ишлар ходимларининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлидаги фидойиликлари, жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг раиси **А. Шералиев**, шу туманда яшовчи **Ж. Болтабоев**лар эса ҳуқуқбузарлик содир этиб, эндиликда суддан енгиллик беришларини сўраётган кимсаларнинг қилмишлари ҳақида ёзиб юборишган.

«Кўп ҳолларда бепарволик ва лоқайдлик оқибатида фуқароларимиз йиллар давомида қурган иморатлар, мол-мулклар саноқли дақиқалар ичида ёниб, катта зиён етишига олиб келмоқда. Шундай экан барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, хонадонларимизни ёнғин офатидан ҳимоя қилайлик», дейилади Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, катта лейтенант **А. Иргашев**нинг мактубида. Шунингдек, Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ ходимлари, капитанлар **Собир Тўхтаев, Сулаймон Авезов,** Фарғона вилоятидан капитанлар **Равшан Холматов, Адолат Абдиева,** Когон шаҳар ИИБ ЁХГ 5-ҲЁХҚ инспектори, катта лейтенант **Р. Расулов,** Қашқадарё вилоятидан истеъфодаги подполковник **Б. Астанов,** Самарқанд тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, капитан **Аҳмаджон Саидмуродов**ларнинг мақолаларида ҳам соҳа вакилларининг жойларда олиб бораётган машаққатли, аммо шарафли хизматлари ҳақида гап боради.

Биз бошқа мавзуларда ҳам талайгина мақолалар олдик. Улардан бирида яъни, истеъфодаги полковник **Содиқ Исломов**нинг мактубида қарийб ўттиз йиллик умрини элу юрт осойишталигини таъминлашга бағишлаган истеъфодаги полковник **Омонкелди Туропов** Нишон туманидаги Улугбек номли маҳалла фуқаролар йигинига раислик қилиб, эл корига яраётгани ҳақида сўз юритилса, Қашқадарё вилояти ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, майор **Ч. Кўчаров** ҳуқуқ-тартибот идоралари билан Омбудсманнинг ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида ёзади. Тошкент вилояти ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник **К. Шарипов**, Сурхондарё вилоятидан **А. Хўжақулов, Тошбўри Шониёз ўғли,** Қашқадарё вилоятидан **Зулхумор Жўраева**, Бухоро вилоятидан майор **Қаҳрамон Ашуров**, Тошкент вилоятидан **Пардабой Эргашев,** Тошкент шаҳридан **Шаҳноза Эрпиева,** «Экосан» халқаро жамғармаси бўлим бошлиғи **Миркарим Мирсовуров** ва бошқалар ҳам ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари, уларнинг жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги тўғрисида фикр юритишган.

Қимматли вақтларини аямай, бизга турли мазмунда хат-хабарлар йўллаган сиз, азиз муштарийларга миннатдорлик билдириб, келгусида пишиқ-пухта материаллар кутиб қоламиз. Шуни унутмангки, фикр-мулоҳазаларингиз келгуси фаолиятимизда албатта, инобатга олинади.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

---

Акс садо

# ГИРДОБ

«Постда» газетасининг шу йил 22 август сонида чоп этилган Рўзигул Йўлдошеванинг «Оқ оғунинг қора қилмиши» мақоласини ўқиб қаттиқ таъсирландим. Чунки унда ўз ҳаётим аксини кўргандай бўлдим. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан кейин жамоа хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлай бошладим. Отам қўлидан ишини олиб, қанот бўлаётганимдан беҳад хурсанд эдилар. Айниқса, бирин-кетин набиралари дунёга келганида хурсандчиликларининг чеки бўлмасди. Мен ҳам ишдан бўш пайтимда одамларнинг тўй-маъракаларида беминнат хизмат қилардим. Отам буларни эшитиб, «Баракалла, кўп яша ўғлим» дейишни канда қилмасди. Бир куни ҳамкасбларимдан биттаси шошиб келиб:

– Мана шу одамнинг ҳожатини чиқариш керак. Озроқ юк бор шаҳарга элтиб бер, менинг машинам бузилиб қолди, – деб Исмоил исмли кишини менга таништирди. Беш-олти қоп пиёзни айтилган манзилга олиб бориб қўйдим. Исмоил ака қўлимга бир тахлам пул тутқазди.

– Арзимаган ишга шунча пул ололмайман, – дедим ҳаяжонланиб.

– Бундан кейин сен билан бирга ишлайман. Менга жуда ёқиб қолдинг, – дея елкамга қоқиб қўйди у.

Кейинги сафар қопларда кўкнор борлигини пайқадим, аммо мўмай даромадни қўлдан чиқаргим келмай тилимни тишладим. Шу куни шаҳарда Исмоил ака билан антиқа жойларда бўлдик. Назаримда дунё лаззатини татигандай бўлдим. Айниқса, тўкин дастурхон атрофида жононлар билан кўнгилхушлик қилиш мени тамоман асир этди. Мен энди жамоа хўжалигининг ишларига ҳам деярли чиқмайдиган бўлдим. Чунки, бош муҳандис билан келишишнинг ҳам йўлини топгандим. Тўй-маъракаларга хизматга айтиб келганларга нисбатан ҳам менсимай қарайдиган, очиғи қўпол муомала қиладиган бўлдим. Қишлоқни эмас, кўпроқ шаҳарни қўмсардим. Бу билан туғилиб ўсган азиз масканим ва қадрдонларимдан аста узоқлашаётганимни пайқамаган эканман. Насиҳат қиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган отамни жеркишим ва силтаб ташлашларим шўрликни жуда эрта қаритди. Бир пайтлар ишқида куйиб-ёнган суюкли хотиним ва бир-биридан ширин фарзандларим ҳам кўзимга хунук кўриниб кетди. Хотиним куйиниб гапириши билан кўп пул топаётганимни пеш қилиб оғзига урардим.

Навбатдаги сафар олдидан Исмоил ака энг ишончли жой деб «юк»нинг ярмини уйимга ташлади. Уни билдирмай оғилхонага яшириб қўйдим. Мен ҳар сафар интиқлик билан кутадиган маишат бу гал насиб этмади. Ички ишлар ходимлари бизни анчадан бери кузатиб юришган экан, жиноят устида қўлга олишди. Энг ачинарлиси милиция ходимлари оғилхонага кириб ашёвий далил бўлмиш гиёҳвандлик моддаларини олиб чиқишаётганида рўй берди. Ҳайратдан кўзлари катта очилган отам кўксини чангаллаганча инқиллаб ўтириб қолди. Бир умр ҳалол ҳаёт кечириб яшаган шўрлик отам бу кўргуликни кўтара олмай, жони узилди. Мен қилмишимга яраша узоқ муддатга қамалиб чиқдим.

Ич-этимни ҳануз бир армон аёвсиз кемиради. Бир пайтлар салгина пул топиб улардан ўзимни устун қўйган, мен паст назар билан қараган қишлоқ одамлари отамни елкаларида кўтариб сўнгги манзилга олиб бориб қўйишган. Мен аҳмоқ эса отам қабрига лоақал бир сиқим тупроқ ҳам ташлай олмадим. Бугун фарзандларим вояга етиб қолишган. Уларга хатоларимни тез-тез эслатиб, мендай адашмасликларини таъкидлаб тураман. Чунки гиёҳвандлик шундай иллатки, кутилмаганда ўз гирдобига тортиб кетади. Газетада бундай мавзунинг ҳаётий мисоллар билан ёритилаётгани учун раҳмат. Бундай материаллар мен каби қалб кўзи сўқир инсонларни огоҳлик ва ҳушёрликка, оқ билан қорани ажратиб олишга ундаши табиий, албатта.

**Омонбой ҲАСАНОВ,**
**Тўрткўл тумани**
**«Ўзбекистон» овул**
**фуқаролар йиғини.**

---

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

# ТИЛИМИЗНИ АСРАЙЛИК

– Салют, қале, Ирош?

– Вой, манда всё чики-чики.

Бу икки дугонанинг суҳбатидан бир шингил, холос. Агар суҳбатларни тингласангиз, «кошмар», «иту», «қичу» каби сўзларни (агар сўз дейишга арзиса) истаганингизча эшитишингиз ва луғат «бойлигингизни» кўпайтиришингиз мумкин. Бундай олақуроқ сўзлар бугун шаҳарнинг исталган бурчида: олий таълим муассасаларида, мактабда, автобусда (умуман ёшлар гавжум жойларда) тез-тез қулоғингизга чалинади. «Оммавий маданиятли» бўлишга интилаётган ўзбек ёшлари нима мақсадда бундай сўзлар кашф қилишаяпти?

**Гўзал ҚУРБОНОВА, талаба:**

– Биласизми, бу жуда удобный. Сўзнинг ўзбекчасини топа олмасангиз, ана рус, инглиз тилларига мурожаат қилинг. Бундан ташқари, бу замонавийликнинг бир кўринишларидан.

– Иккинчи, учинчи кўринишлари қайсилари экан унда? – сўрайман қизиқиб. (Ҳарқалай мен ҳам шу ёшдаман...)

– Хўш, биринчиси, интернационал сўзлашиш, иккинчиси, модний кийиниш ва имкон қадар ўзини эркин тутиш.

– Нега ўзбекча, русча сўзларни аралаштириб гапираяпсиз? – деб сўрадим ўзини таништиришни истамаган бир йигитдан.

– Киши қанча кўп тилни билса, унинг нутқи шунчалик чиройли бўлади. Чунки турфа сўзлар аралашган гаплар барибир бошқача, сизни секретный қилиб кўрсатади. Бу эса авторитет дегани.

Ана шунақа экан, замонавийлигу эркинлик. Бир донишманд «Барча эркинликни бошқариб туриш шарт» деб айтган экан. Ота-онамиз бизни дунёни кўрсин, илмли бўлсин, деб тил марказларида ўқишимиз учун шароитлар яратиб беришади, аммо биз-чи? Улар биздан кутганларини амалга ошира олаяпмизми?

Бир курсдошим бўларди, инглиз тилида бемалол сўзлашарди. Бошида унга ҳавас қилардим, аммо шу бола икки йил Англияда таҳсил олиб қайтди ва... Илгарилари доимо меъёрида кийинадиган, соф ўзбек тилида гаплашадиган йигитдан энди асар ҳам қолмаган эди. Дарсларга шортик ва кроссовкада келарди, семинар дарсларда русча, инглизча сўзларни аралаштириб ишлатаверарди. Унга қараб кимнингдир энсаси қотса, кимлардир (айниқса, қизлар) атрофида парвона эди. Дунё кўриб, илмли бўлиб келгани яхши, бироқ миллий менталитет ва она тилини беҳурмат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бу гаплар такрор айтилаётгани учун балки, сизга эриш туюлаётгандир. Балки, бошқа саҳифани очишга шошаётгандирсиз, аммо бир ўйлаб кўринг-чи: биз шундай беэътиборлик қилаверсак, фарзандини эпласин деб айбни ота-онага ағдарсак, эртага сизу бизнинг фарзандимиз ҳам уларга тақлид қилмаслигига ишончимиз комилми?

Боши билан замонавийлик денгизига шўнғиётган, атрофидагилардан қолишмасликка тиришаётган бугунги ёшлар эрта кексайганда қай ҳолатда ҳурматга – «авторитет»га эришаркин?!

Азиз муштарий, сиз нима дейсиз?

**Гули Нигор АВАЗОВА.**

АМАЛИЙ СПОРТ

# «ТИЛСИЗ ЁВ»НИ ТИЗГИНЛАБ

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти мажмуида вилоят ИИБ ЁХБнинг касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида ёнғинни ўчириш амалий спорти бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.**



Мусобақа қатнашчилари 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, жанговар ёйилиш эстафетаси, қутқарув арқонини боғлаш ҳамда арқон тортиш турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Кескин ва муросасиз ўтган баҳслар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Урганч шаҳар жамоаси ўт ўчирувчилари шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашди. Шовот тумани 4-КЁХҚ ҳамда Хонқа тумани 7-КЁХҚ иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди.

Ғолиблар вилоят ИИБ ЁХБнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Мусобақага таклиф қилинган Урганч шаҳридаги 6-сонли «Дўмбоқча» болалар боғчаси тарбияланувчилари «Олов – тилсиз ёв» мавзуида саҳна кўринишлари намойиш этишди. Кичкинтойларнинг бу чиқиши ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбирда вилоят ИИБга қарашли «Коинот» тарбияси оғир ўсмирлар оромгоҳи дам олувчилари ҳам томошабин сифатида иштирок этишиб, ёш ўт ўчирувчиларнинг чиқишларини қўллаб-қувватлаб туришди.

Кўзларида ҳавас ўти порлаб турган бу болакайларнинг кўпчилиги келгусида ёнғин ўчирувчилари касбини танлашса не ажаб...

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Суратда: *беллашувлардан лавҳа.***
**Муаллиф олган сурат.**

*Хоразм вилояти.*

РЕАЛ-АЙКИДО

# СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Қашқадарё вилояти «Динамо» ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Ўзбекистон Реал-айкидо федерацияси ҳамкорлигида спортнинг реал-айкидо тури бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган республика чемпионати ўтказилди.**

Мусобақада барча вилоятлардан келган вакиллар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Қизиқарли ўтган беллашувлар натижасига кўра, Андижон вилояти терма жамоаси тенгсиз, деб топилди. Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. «Чамбара» (қиличбозлик) усули бўйича эса Қашқадарё вилояти терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Чемпионат сўнггида ғолиб жамоаларга махсус дипломлар ва қимматбаҳо эсдалик совғаларини вилоят реал-айкидо федерацияси президенти, вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, полковник Дилшод Пўлатов топширди. Шунингдек, шахсий биринчиликни эгаллаган спортчиларга ҳам Федерациянинг совғаси тақдим этилди.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**

*Қашқадарё вилояти.*

УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ

# ҚЎЛ ЖАНГИ УСТАСИ

Ахметбек ёшлигидан спорт соҳасида машҳурликка эришган шахсларнинг ҳаёт йўли билан қизиқди. Уларнинг Ватан ва эл олдидаги туйған масъулият ҳиссини, шунга ҳамоҳанг бўлган фидойиликлари ҳақидаги кўплаб ҳикояларни ёддан билади. У Бердақ номидаги Нукус Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга киргач, спортга оид тилсимларнинг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англай бошлади. Спортнинг қўл жанги тури бўйича шуғулланаётган Ахметбекнинг тинимсиз машқлари ниҳоят ўз самарасини берди. У олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолибликка эришди. Унинг илк хизмат фаолиятини 2007 йили Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимидан бошлаши спортдаги залворли қадамларини ташлашига замин яратди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» ЖТСЖ мураббийи Турдимурат Утегенов сафдор Ахметбек Мадреймовнинг иқтидорини юқори баҳолаб, зарур йўл-йўриқлар кўрсатиб борди. Ўз устида астойдил ишлаган, ёш спортчи меҳнатининг ижобий самараси 2007 йили Самарқанд шаҳрида қўл жанги бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 3-ўринни қўлга киритганида яққол намоён бўлди. Ўз жисмоний имкониятларини чамалаб кўрган сафдор Ахметбек Мадреймов шу йили қўл жанги бўйича ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигида барча рақибларини енгиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

– Спортдаги устозларим қатори хизматдаги устозим, Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг бўлинма командири, катта сержант Даулет Жақсимуратовдан ҳам беҳад миннатдорман. Машаққатли, аммо шарафли касбнинг сир-асрорларини пухта ўрганишда унинг бой хизмат тажрибалари жуда қўл келмоқда, – дейди Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Ахметбек Мадреймов.

**"Устюрт халқаро нефтгаз"** бошқармасида қўриқлов хизматини амалга ошираётган сафдор Ахметбек Мадреймовнинг жамоада ҳам ҳурмати баланд.

Умидли спортчимизнинг истиқболдаги режалари залворли. Унинг бу йўлдаги ҳаракат ва изланишига муваффақият тилаймиз.



**Д. ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Суратда: *сафдор Ахметбек Мадреймов хизмат пайтида.***

*Қорақалпоғистон Республикаси.*

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

## МЕЗБОНЛИККА ТАЙЁР

Халқаро Олимпия қўмитасининг мувофиқлаштирувчи комиссияси аъзолари Ванкувер (Канада) шаҳрига тўққизинчи маротаба ташриф буюришди. Бундан мақсад шаҳар 2010 йилги Олимпиада ўйинларини ўтказишга тайёр ёки йўқлигини кўздан кечириш эди. Комиссия раҳбари Рене Фазелнинг таъкидлашича, Ванкувер Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилишга ҳар томонлама тайёр экан.

## РАҚИБЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ



Россиялик гроссмейстер Владимир Крамник тезкор шахмат бўйича Швейцария шаҳрида ўтказилган чемпионатда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ғолиб бўлди. Мазкур мусобақа Цюрих шаҳар шахмат клубининг 200 йиллигига бағишланиб ўтказилди. Беллашувларда Крамник дастлаб ҳамюртлари Александр Халифман ва Анатолий Карповни, шунингдек, болгариялик шахмат устаси Веселин Топаловларни ортда қолдирди.

## МУСОБАҚА ОЛДИДАН МУСОБАҚА



100 ва 200 метрга югуриш бўйича рекордчи Усэйн Болт «Олтин лига» беллашувларида иштирок этиш учун Цюрих шаҳрига етиб келди. Ямайкалик чопқир мусобақалар бошланишидан олдин ҳамкасблари Асафа Пауэлл, Майкл Фрайтер, Дэрвис Паттон ва Майк Рожерлар билан куч синашмоқчи.

ЖАҲОН СПОРТИ ЮЛДУЗЛАРИ

# ТЕННИС МАЛИКАСИ



Мария Шарапова 1987 йил 19 апрелда Сибирнинг кичик шаҳарчаси Няганда туғилган. Тўрт ёшида унинг оиласи Сочи шаҳрига кўчиб келишган. Жажжи қизалоқ беш ёшидан теннисга меҳр қўйди ва биринчи устози Юрий Юдкин билан машғулотлар ўтказа бошлади. Олти ёшида Маша Москвада ташкил этилган мастер-класс мусобақасида Мартина Навратиловага қарши ўйнаб ғалаба қозонди. Шундан сўнг отаси уни Флоридадаги теннис академиясига ўқишга юборди. Аста-секин бўлажак ракетка устаси ўз устида тинимсиз ишлай бошлади ва нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритди.

### ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ

Мария катта кортдаги илк ғалабасини 2001 йилда ўтказилган халқаро турнирда нишонлади. Ўшанда у Аёллар теннис ассоциациясининг энг кучли 300 таликка кирувчи ракетка усталаридан бирини мағлубиятга учратди. 2002 йилги мавсумда учта ITF туркумига кирувчи йирик турнир: Гумна (Япония), Ванкувер (Канада), Пичтри-Сити (АҚШ) шаҳарларида бўлиб ўтган беллашувларда ғолиб бўлди. 2003 йилда Шарапова аста-секин нуфузли халқаро мусобақаларда ўз маҳоратини кўрсата бошлади. Уимбллон турнирида муваффақиятли иштирок этди. 16 ёшли Мария Шарапова шу йили Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) томонидан «Йил янгилиги» деб эълон қилинди. Сўнг 2004 йилда Уимблдон мусобақаси ғолибаси бўлди. Мусобақанинг финал беллашувида Мария америкалик Серена Уильямсни доғда қолдирди. Бу билан у дунёнинг 8-чи ракетка устаси, деган эътирофга лойиқ бўлди. Шунингдек, Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилган турнирда Мария дунёнинг собиқ биринчи ракетка устаси устидан зафар қучли ва Жаҳон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Ўша йили Халқаро теннис журналистлар ассоциацияси томонидан у 2004 йилнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. 2005 йилда Майами шаҳрида ташкил этилган ATP ва WTA йўналишидаги ўйинчиларни тақдирлаш маросимида Мария Шарапова биратўла учта: «WTA Tour йўналиши бўйича 2004 йилнинг энг яхши теннисчиси», «Ўсиб бораётган ўйинчи», «Томошабинлар меҳрини қозонган ўйинчи» номинациялари бўйича ғолиб деб тан олинди. Мария «Forbes» журналидаги «Дунёнинг 100 нафар энг нуфузли машҳур кишилари» рўйхатига киритилди. 2006-2007 йиллар мавсумида Австралия Очиқ Чемпионати, Pacific Life Open мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди. 2008 йили дунёнинг биринчи ракетка устаси, деб тан олинди. Фаолияти давомида уч марта «Катта дубулға» туркумига кирувчи халқаро турнир ғолиби бўлди. Бироқ 2008 йилнинг охирида елкасидан олган жароҳати туфайли бир муддатга катта кортни тарк этди.

**Ф. АЗИЗОВ тайёрлади.**

*(Охири. Бошланиши ўтган сонда)*

Олдига қўйилган овқатдан таралаётган ёқимли ҳид иштаҳасини очдими беихтиёр дастурхонга қўл узатди. Бироз тамадди қилгач, бўшашиб яна ўрингa чўзилди. Ғамхўрлик ва парвариш таъсир этдими ёки ёш вужуд ўз кучини кўрсатдими Баҳром тезда оёққа турди. Ҳовлига чиқди. Ҳовли чиннидек тоза, ўртада кичкина ҳовуз, атрофи у умрида кўрмаган анвойи гуллар билан безалган. Сал нарироқда гумбаз шаклидаги супача. Сўнг мевали дарахтлар билан тўла каттакон боғ. Ҳовлидаги ҳамма нарса батартиб, саранжом-саришта. Ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Баҳромнинг кўнглидан "қанийди, бизнинг ҳам уйимиз шундай бўлса" деган фикр ўтди-ю ярқ этиб ўчди. Унинг хотиралари тикланиб, бошига оғриқ турди. У ҳозир воқеаларни идрок эта олмас, нима қилмоқ кераклигини билмас, ўз аҳволини баҳолашга, эртанги кунини белгилашга ожиз эди.

– Тузукмисан, ўғлим? – деган овоздан чўчиб кетган Баҳром кескин ортига ўгирилди. Унга қараб турган келишган, бақувват, мошранг соқоли ўзига ярашиб турган, кўзлари жиддий боқувчи, ёши элликларга бориб-бормаган эркакни кўриб салом берди.

– Ваалайкум ассалом. Аҳволларинг яхшими? Бошинг оғримаяптими? Бироз ётсанг бўлармиди, ҳали қувватга кирмагансан, – деди у мулойимлик билан. Нотаниш кишининг овозида ажиб бир меҳрибонлик бор эди. Шу тобда Баҳром негадир уни жуда-жуда қучгиси келди-ю ўзини аранг босди. Унинг "Қаердансан? Ота-онанг ким? Уйинг қаерда?" деган саволларига индамай, бошини эгиб, нима дейишини билмай турди. Ҳалиги одам ҳам ортиқча қистовга олавермай: "Ҳай майли, айтгинг келганда айтарсан" деб қўя қолди.

Баҳром бутунлай соғайиб кетгач, уй юмушларига қараша бошлади. Қори амаки унга ўз ўғлидек муомала қилишидан кўнгли ийиди. Амаллаб ҳужжатларни тўғрилаган Қори амаки уни мактабга чиқарди. Янги мактабда Баҳромнинг кўникиши қийин кечди. Эҳтимол бошқа биров бўлганида бошқачароқ бўлармиди, лекин Қори амакининг арзанда ўғли бўлгани учун ундан кўпчилик ҳайиқар, худди эҳтиёткорлик билан муомала қилаётгандек туюларди ўсмирга. Қори амаки ҳар куни эринмай унинг давоматини текширар, ўзи ҳам ўқишига ёрдам берар, худди ўз ўғлидек у билан шуғулланарди. Баҳром ҳам қўлидан келганча Қори амакининг ишончини оқлашга, еяётган нонини ҳалоллашга ҳаракат қиларди. Бора-бора бу уй Баҳромнинг ўзиникидек бўлиб қолди. Бир марта боғдаги олмаларни еб, боғ четидаги йўлакчанинг қаерга олиб боришини билмоқчи бўлган Баҳром девор четида кичиккина эшик борлигини кўрди. Эшикнинг чиройли ва бежиримлиги остонанинг нариги ёғида дурустгина уй ёки иморат борлигидан дарак берарди. У эшик зулфига қўлини узатишини билади, ортидан Қори амакининг "Тўхта, қайт ортингга!" деган ҳайқириғини эшитди-ю юраги "шув" этиб кетди. Ғазабдан қип-қизил бўғириб кетган Қори амакини кўриб, юраги қинидан чиқиб кетай деди бола шўрликнинг. "Иккинчи бу ерга яқинлашма!" деди у жаҳл билан Баҳромнинг ортидан кузатиб қоларкан. Шу-шу Баҳром боғнинг бу тарафига яқинлашмади, ҳисоби. Лекин асли исми Боқивой бўлган одамни нега ён-атрофидагилар Қори амаки дейиши, унинг нима иш билан шуғулланиши, энг қизиғи боғ этагидаги эшикнинг сири нимада эканлиги Баҳромнинг тинчини ўғирлади.

Мундоқ фикрласа, Қори отасининг ҳаёти ҳам мавҳум ва сирли эмасми? Узуқ-юлуқ гапларга қараганда, ростми-ёлғонми, бир пайтлар Боқивой–Қори деганлари қўли калта, чориғини зўрға судраб юрадиган бечораҳол йигит экан. У тадбиркорлик билан шуғуллана бошлабди. Россиядан қурилиш материаллари олиб келиб сотиб, кўп ўтмай бойиб кетибди. Тез орада манаман деган бойваччага айланиб, шаҳарнинг энг гўзал қизига уйланган экан. Бойлиғи, бахтли турмуши, гўзал рафиқасини кўра олмаган ҳасадчилар хотини ҳақида турли мишлар тарқата бошлашибди. Бора-бора ўзи ҳам аёлини ҳар кимдан рашк қиладиган бўлибди. Кимдир аламидан деса, бошқа биров босар-тусарини билмай маишатбозликка, яна аллаким душманлари эркаклик ҳамиятига тегиб, атай бузуқликка ундаганини айтишади. Шу даражага бориб етибдики, уйигача енгилтабиат аёллар қуршовида кириб келадиган бўлганмиш. Бунга чидай олмаган хотини шўрлик бу йўлдан қайтишини сўраб, роса ялиниб-ёлворган экан. "Сизнинг нопок юришингиз болаларга уриб кетмаса бўлганийди" дея зорланган экан. Баҳромнинг келишидан олдинроқ хотини, қизи ва ўғли кетаётган машина жарликка қулаб, ёниб кетибди. Уларни қутқаришнинг иложи бўлмабди. Шу-шу Қори амаки ўз-ўзини, ич-этини еб, ёлғиз Оллоҳдан нажот истаб тақвога берилган, намозни канда қилмайдиган бўлган эмиш. Бу ерга кўчиб келишининг боиси ҳам ана шу ўзига хос таркидунёчиликнинг бир кўриниши экан. Юз берган воқеада ўзининг айбдорлигини билган Қори ота атрофидагилар қанчалик қистовга олишмасин уйланишни истамабди.

Орадан йиллар ўтди. Қори отаси ўз сўзида туриб, Баҳромнинг келиб чиқиши ҳақида бошқа сўрамади.

Ҳар гал Баҳром Қори отасига қараганда кўзларида қандайдир чуқур ва оғир мунг борлигини, ичини нимадир тинмай эзғилашини сезиб турар, сабабини яқинларидан айрилганига йўярди. Бора-бора Баҳром Қори отасининг ҳалол ва пок инсон эканлигига буткул ишонди, ўз отасидек яхши кўрди, ҳурматини ўрнига қўйди. Қори ҳам йигитчадан ҳеч нарсани аямади. Меҳр кўрсатди, яхши ўқитди. Баҳром ҳам еган нон-тузини оқлади. Аъло баҳоларга ўқиб, университетга ўқишга кирди.

Мана, ҳадемай Баҳром университетни тугатади, мутахассислик дипломини олади. Бу қутлуғ даргоҳга келганига ҳам саккиз йил бўлибди. Худди шу даргоҳда улғайди, ўқиди, яхши-ёмонни таниди, касб эгаллади. Ўша машъум тун сабаб ҳаёти тубдан ўзгариб кетди.

Қори отаси уни чет элда ўқитиш ниятида. Ўзига қолса, қўлидан иш келади. Аллақачон автотранспорт воситаларининг қайси русумда бўлишидан қатъи назар у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади. Бу яқин ўртада у тузата олмайдиган, "тилини" тушунмайдиган автомобилнинг ўзи йўқ, ҳисоби. Нияти янги ёнилғи турини яратиш. Шу билан бирга, устахонасини кенгайтириб, замонавий асбоблар билан жиҳозлаш. Бунга ўз кучи, пешона тери эвазига топган пуллари билан эришиш. Энг асосийси, Қори отасининг хизматида бўлса, яхшилигига муносиб жавоб қайтарса. Қадрдон қишлоғига бориб, отаси билан учрашса, синглисини топса...



## Ҳаёт сўқмоқларида

# ЯРИМ БАХТ

Баҳром кутубхонада анча қолиб кетиб, уйга кеч қайтди. Мана, неча кунки Қори отаси унга ўйчан ва ғалати нигоҳ ташлайди. Нимадир демоқчи бўлади-ю, лекин жилмайиб қўя қолади. Баҳром буни чет элга бормай, шу ерда қолиш ниятида эканлигини айтгани учун, деб ўйлайди.

– Ўғлим, бир оз дам ол! – деган овоз уни қоғозлардан бош кўтаришга ундади. У шошиб ўрнидан турди ва отасининг истиқболига пешвоз чиқди. Қори отаси унга овора бўлма дегандек қўлини қимирлатиб, оҳиста оромкурсига чўкди. Баҳром яна ўқиш ҳақида гап кетса керак, деган ўйда бошини хиёл эгди.

– Эртага бир тоққа бориб тоза ҳавода дам олиб келмаймизми? – деди у илтимоси малол келадигандек.

– Сиз нима десангиз шу ота, – деди у итоаткорона. Бирор жойга бориш зарурати туғилса, отаси Баҳромнинг рулда бўлишини ёқтиради. Гўёки бу машинани ўғлининг ўзи пешона тери билан ишлаб топгану, отасининг ҳурматини ўрнига қўйиб олиб юргандек фахрланади. Яна бир сабаби Баҳром машинани худди унинг кўнглидагидек бошқаришида. "Сен рулда бўлсанг хотиржамман" дейди бундай пайтлари отаси. У эса жилла қурса шу йўл билан отасининг кўнглини олаётганидан ўзида йўқ хурсанд бўлади. Ўз отасига шундай меҳр кўргиза ололмаётганидан юрак-бағри эзиладиям баъзан. Қани имкон бўлса-ю ҳар икки отамни бошимда кўтариб юрсам, дея армон ўртайди юрагини.

Саҳар ота-бола зарур нарсаларни машинага жойлаб, йўлга тушишди. Негадир бу сафар отаси ҳамиша ёнида олиб юрадиган Эргаш амакисини уйда қолдирди. Улар тоғ ёнбағрида жойлашган дала ҳовлиларига етиб келишди. Сўлим ва хушҳаво гўша уларнинг баҳридилини очиб юборди. Улар кечгача чўмилишди, шахмат суришди, бильярд ҳамда теннис ўйнашди, тоғ чўққиларига чиқишди. Мириқиб дам олган ота-бола кечга яқин аъло кайфиятда уйларига қайтишди.

Баҳром кечки овқатдан сўнг хонасига кўтариларкан ўзини каравотга отди. Қандай яхши бугунги кун. Қанчалар у бахтли ҳозир. Бундан саккиз йил муқаддам биринчи бор шу уйга келганида ҳам Қори отаси уни дала ҳовлисига олиб борган. Ўша ерда янги велосипед совға қилган. Биргалашиб чўмилишган, ўша ерда сузишни, шашка-шахмат, бильярд, теннис каби ўйинларни ўргатган. Кечагидек эсида: Қори отаси ўша куни у билан нотаниш боладек эмас, балки минг йиллик қадрдондек муомала қилганди. Шу боисми Баҳром ҳам унга тез ўрганди, бегонасирамади. У шуларни ўйларкан кўзларига ёш келди. Юраги тўлиб кетдими кўз ёшлари ўз-ўзидан оқиб келаверди. Ҳа, Қори отасининг ҳеч кими йўқ. Шу боис уни ўз ўғлидек кўради. Лекин Баҳромнинг ўз отаси бор-ку! Отасидан воз кечиб, Қори отасининг олдида қололмайди-ку ахир! Йўқ, у бу ҳақда ўйламаслиги керак. Ахир бугун қандай бахтли кун бўлди-я! Қори отаси билан шундай дилдан ўйнаб-кулмаганига ҳам анча бўлибди. Ўқиш, иш билан бўлиб, кўп яхши одатлар хаёлдан кўтарилибди.

Баҳром янги ёнилғи тури бўйича бошлаган ишига шўнғиди. Анча ишлади. Агар отаси оҳиста кириб келмаганида яна қанча ишларди, билмайди. Отасининг нимадир демоқчи эканлигини сезган Баҳром ишларини йиғиштириб, майин жилмайганча оғзига тикилди.

Отаси гапни нимадан бошлашни билмай, кўзларини у ёқдан, бу ёққа олиб қочар, ўзини чалғитмоқчими, Баҳромними билиш қийин эди.

– Баҳром, мана кап-катта йигит бўлдинг. Ўзинг мустақил қарор қабул қиладиган ёшдасан, – отаси гапнинг учини йўқотиб қўйгандек жим қолди бир дам. Ич-ичидан айтмоқчи бўлган гапи билан чиқишолмаётгандек бир "уф" тортиб, сўз бошлади. – Эсингдами, бу ерга келган йилинг боғ этагидаги эшик томон борганинг? Биламан, ўшанда бу ҳол сени жуда қизиқтирган. Мен сенга айтмоқчи бўлган гапларимни яхшилаб тингла! Нима бўлганда ҳам бир нарсани билишингни хоҳлайман: мен сени ўз ўғлимдек яхши кўраман. Сендан айрилишни сира истамайман. Ниятим мени охирги йўлга ўзинг кузатсанг. Бироқ ...

Худо сени энг азобли, ҳаётдан умидимни узган кунимда рўпара қилди. Эҳтимол сен эмас, мен сендан қарздордирман. Билмадим... Ҳай, майли... Ўша куни мен юрак-бағрим қонга тўлиб келаётган кун эди. Қизимнинг олдига, шифохонага бориб келаётгандим. Ўша машъум воқеада тирик қолган ёлғиз ёдгорлигим – бу қизим Султона эди. Аммо унинг ҳаёти учун анча вақт курашишга тўғри келди. Ҳаётга қайтарганда эса бутун бадани куюкдан бужмайиб, тортишиб, қат-қат чандиғ бўлиб кетганди. На соч бор, на қош, на киприк... Узоқ вақт юра олмади. Товонлари куйган, қадам босса кўзлари қинидан чиқиб кетай дерди оғриқнинг зўридан. Ўзининг бадбашара юзидан эзилган қизим одамларга кўринишни истамади. Ҳатто бир неча маротаба ўз жонига қасд қилди. Уни яшашга, ҳаммаси изига тушиб кетишга ишонтириш учун нималар қилмадим. Жигаргинамнинг бахти қаролигига пластик операция қилиш ҳам мумкин эмасди: юраги кўтара олмаслиги аниқ экан. «Сал улғайса, жисмида ўзгаришлар бўлиб, эҳтимол кейинчалик бунинг иложи бўлса керак», деган тахминлар ҳам бора-бора пучга чиқди. Шу ерга кўчиб келдим. Уни яширинча уйга олиб келдим, хув ўша боғ этагига уй солдим. Энага ёлладим. Бироқ у ҳеч кимга кўринишни, бошқаларни, ҳатто мени ҳам кўришни истамасди. Сени кўрса аҳволи янаям оғирлашиши, руҳан азобланишини, сен эса қизиқиб барибир уни кўришинг мумкинлигини билиб, уни бошқа ёққа кўчирдим. Қизгинам гарчи жуда хунук бўлса-да, ақли расо: уйда ўқитдим, ҳеч кимдан кам қилмадим. Ишонгани – ёлғиз энагаси, дўсти – бир дунё китоблари бўлди.

Мана, бир йил бўлади, борсам йиғлагани йиғлаган. Юрак бағримни қон қилиб юборади. Вояга етди, шўрлик оила ҳақида ўйлаб туну кун эзилгани эзилган. Менинг эса юракларим чок-чокидан узилиб кетади. Кўзимдан ёш эмас, қон оқади. Нима қилай... Мени ҳам тушунадиган одам бормикан?! Зотан, сен бунга мажбур эмассан. Аммо нима қилай у ҳам менинг жигарбандим, гарчи хунук бўлса-да, зурриёдимку! Жисмида менинг қоним оқаяпти ахир. Мен унинг бахтли бўлишини истамайманми?! Сендан буни қандай сўрашни ҳам билмайман. Кошки, унга уйлансанг. Лоақал биргина фарзанд қолса ҳам майли эди. Унда менинг қоним оқса, армоним қолмасди. Наҳот шундай дунёга келиб, беному нишон йўқ бўлиб кетсак! Э-воҳ, бу қандай кўргилик!

Баҳром, мен сени ҳеч нарсага мажбурламайман. Бу ҳақда менга айтиш жуда оғир, лекин сендан бошқасига ҳам айтолмайман, айтолмайман...

Қори оёқларини аранг судраганча, оғир қадамлар билан чиқиб кетди. Шу кетишда йўқлик сари отлангандек эди гўё. Гарчи отаси унга дилидагини аниқ-тиниқ, баралла айта олмаган бўлса-да, унинг гапларидан нима демоқчилигини англай бошлаган Баҳром эшитганлари тушдамиди-ўнгдами, эртакмидиҳикоямиди, ростмиди-ёлғонмиди, яхшиликми-ёмонликми, ҳақоратмихайрихоҳликми, талабми-илтимосми билолмай гаранг эди...

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

---

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник Илҳом Хилватовга онаси

**ХУВРИ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, ИИББ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник

**Раҳмат ЮЛДАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Оқолтин туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Ҳасан Ярбоевга падари бузруквори

**ҲАЗРАТҚУЛ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги старшина

**Ҳасанбой АБДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

---

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2008 йилнинг 21 март куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўлпон-ота кўчасида «Нексия» русумли автомашина ҳайдовчиси томонидан ёши тахминан 50-60 ларда бўлган, Осиё миллатига мансуб эркак киши уриб юборилган. Пиёда воқеа жойида вафот этган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, оқ оралаган, кўзлари қора, қисиқроқ.

**Кийимлари:** қора шим, оч кўк ички томони оқ аёллар камари, енги калта кулранг кўйлак, кўк рангли шиппакда бўлган.

**Автоҳалокатда вафот этган шахс ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ ТБ ЙТҲлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

# Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир

## ЭГАСИ БОР ЮРТ

Очсанг давронларнинг китобларини
Қанча карвонларнинг эртаги бордир.
Тингла доноларнинг хитобларини:
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

Дунёнинг манзилу маконларида
Бир рўзгор бут бўлса, тўрттаси хордир.
Боққил бул диёрнинг қўрғонларига:
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

Бунда ой, қуёшдан чеҳралар олган
Ўғил ҳам қизларнинг эркаси бордир.
Ҳар айттан сўзидан Ватан туғилган
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

Миллион ўзбекларнинг умидлари жам,
Миллион бу овозлар – номус ҳам ордир.
Чопдим шеърларимни қўлтиқлаб мен ҳам,
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

Қалдирғочларга бер айвонларингни,
Қушнинг ҳам бек ила бекаси бордир.
Сингилжон, экавер райҳонларингни,
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

Умр гоҳи ширин, гоҳи талх бўлгай,
Улуғ ниятларга Оллоҳ ҳам ёрдир.
Эгаси бор юртнинг эли халқ бўлгай,
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**




## ТЎЙЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ!

Эли жам бўлган юртлар ҳур бўлар, озод бўлар,
Отаси бор оила жаннатдек обод бўлар,
Балоғатда боласи – ота-она шод бўлар,
Балоғат ёшга етган бўйларингдан айланай,
Ўн саккиз ёшга тўлган, тўйларингдан айланай!

«Шашмақом»ниг шаштимни шамоллардан ўздирар,
«Тузуклар»инг ҳар дилда ўз тузугин туздирар,
Камолотинг кўксимни тоглардан ҳам ўстирар,
«Қурбон ўлам», «Бозиргон» – куйларингдан айланай,
Ўн саккиз ёшга тўлган, тўйларингдан айланай!

Қуёш кулмай, дарвозанг очилади меҳмонга,
Сендаги бағрикенглик тенгдир чексиз уммонга,
Энди ўзинг юз тутдинг кенг жумлаи жаҳонга,
Туну кун меҳмон тўла уйларингдан айланай,
Ўн саккиз ёшга тўлган, тўйларнигдан айланай!

Боласига борини бахшида қилган Ватан,
Тогларин чўққисига байроғин илган Ватан,
Тарихини туғродек муқаддас билган Ватан,
Келажакни ўйлаган ўйларингдан айланай,
Ўн саккиз ёшга тўлган, тўйларингдан айланай!

**Темир ҚУРБОН,**
**подполковник.**

## ОРОМИНГНИ ОГОҲЛАРИНГ ҚЎРИҚЛАЙДИ

*(«Огоҳ бўл, дунё!» достонидан...)*

Сен ортимдан таъна тошин отма, ғаним,
Номард азал мардларга тик йўлиқмайди.
Оллоҳ шоҳид, билгил, халқим, жон Ватаним,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.
Одам яшар, сўз яшайди армон деган,
Шу ўғлингдек бўлур асл султон деган,
Жон керакми, жоним сенга қурбон деган,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.
Ўзбекистон кўзимизда ёнган шамдир,
Фидоларинг кипригингдан тушмас намдир,
У отамдир, у онамдир, у боламдир,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.
Нони қаттиқ, майли, оши ёвғон бўлган,
Мардлар доим юрти учун қалқон бўлган,
Ким айтибди, сотқин каслар инсон бўлган,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.
Жоним Ватан – жонимизнинг чашмасисан,
Сен отамнинг оппоқ сочи, кўз, қошисан,
Миллатимнинг энг кексаси, энг ёшисан,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.
Биз бир эмас, бизлар юз минг, биз миллионмиз,
Биз ўзбекмиз, биз Темурий Туркистонмиз,
Бизлар ҳам ҳур туғилғонмиз, биз инсонмиз,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистои халқ шоири.**



## МУСТАҚИЛ ДИЁРИМ

Мадҳиянг элларга овоза бўлди,
Заминнинг гавҳару дурларга тўлди.
Келажагинг ойдин нурларга тўлди,
Сен ўзинг ягонам, ғururим-шоним
Мустақил диёрим, Ўзбекистоним!

Бу ёруғ кунларга айтиб шукрона,
Қўшиқлар куйлайлик дўстлар, халқона,
Бир умр бошингда бўлай парвона,
Улуғ саждагоҳим, номус-иймоним,
Мустақил диёрим Ўзбекистоним!

Мақсадлар азалдан эрур муштарак,
Бу бирлик, бирдамлик ва дўстлик демак.
Халқим ўйлагани – энг эзгу тилак,
Сенга фидо бўлсин, бу азиз жоним,
Мустақил диёрим, Ўзбекистоним!

**Мирхон МИРАҲМЕДОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**

## ЎЗБЕКИСТОН БОШҚАЧА

*(Фахрия)*

Қанча иқлим, қанча юрт бор дунёда,
Ҳаммаси ҳам бир-биридан зиёда.
Бири отлиқ эса, бири пиёда,
Лекин Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Жумла элнинг бордир сойи, дарёси,
Бордир дашти, бордир тоғу дараси.
Ранглари кўп, бордир оқу қораси,
Лекин Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Гарчи ҳар ўлканинг ой, қуёши бор,
Гарчи чарақлайди тиниқ, шуълавор,
Аммо у ҳаммани илитмас бекор,
Ахир, Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Хорижда «ҳамшаҳрим» учратсам бир кун,
Деди: «Кўр эканман, чун ҳолим забун,
Эссиз, юртим!» – дея йиғлади хун-хун,
Ахир, Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Оллоҳнинг назари тушган Ватан бу,
Қуёш иймон нурин эмган гулшан бу,
Мевасидан шакар томган чаман бу,
Ахир, Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Дунёнинг шаҳри кўп, лек Хивоси йўқ,
Бобо Самарқанду Бухороси йўқ,
Имом Бухорийдек авлиёси йўқ,
Дунё – Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Нур сочади бунда бирлик маёғи,
Қанча эл бор, қанча элат-ўртоғи,
Ҳилпирайди бошда Ҳурлик байроғи,
Она – Ўзбекистон бошқачадир,
Бу гулистон бошқача.

Омон бўлсин унинг шому кундузи,
Чорлайверсин дўстларни куй-навоси,
Омон бўлсин Юртбоши – раҳнамоси,
Бу гулистон бошқачадир,
Ўзбекистон бошқача!

**Тошпўлат АҲМАД,**
**Ўзбекистонда хизмат**
**кўрсатган маданият ходими.**

## АЗИЗ, ВАТАНИМ!

Ўзга юртларда ҳам лолалар ўсар,
Тоғларда оҳую, дулдуллари бор.
Тупроғида ипак толалар ўсар,
Гўзал боғларида булбуллари бор.
Бироқ, бу юртларда яйрамас таним,
Мен учун азиздир она Ватаним!

Ўзга халқларнинг ҳам қўшиқлари бор,
Тилаклар гуллаган қўшиқларида.
Олтину кумушдан бешиклари бор,
Гўдаклар ухлайди бешикларида.
Улардан қадрли онам қўшиғи,
Дунёга арзирли болам бешиги.

Сарвиқомат сулувлар кўп дунёда,
Кулса кулгичидан тўкилар ҳаё.
Алп келбатли йигитлар кўп дунёда,
Ҳайқирса шаштидан тошади дарё,
Баридан азиздир ўзбек боласи,
Барчинойдек гўзал, сулув лоласи.

Ўзга юртларда ҳам чинорлар ўсар,
Кўҳна ва навқирон шаҳарлари бор.
Гулларни эркалаб шамоллар эсар,
Сўлим оқшом, салқин саҳарлари бор.
Бироқ у юртларда яйрамас таним,
Азиз киндик қоним томган Ватаним!

**Бекмурод УСМОНОВ,**
**катта сержант.**

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-8001. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57131 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**